

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ЎҚУВ РЕЖАСИНИНГ
1.00. ГУМАНИТАР ВА ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ФАНЛАР БЛОКИ
УЧУН ЎТИЛАДИГАН ФАЛСАФА ФАНИНИНГ “ФАЛСАФАДА
ҲАҚИҚАТ МУАММОСИ” МАВЗУСИНИ ЎҚИТИШ БЎЙИЧА
ТАЙЁРЛАНГАН
УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА

(Барча таълим йўналишлари учун)

Тошкент - 2017

Ушбу услубий қўлланма Термиз давлат университетининг Ижтимоий-иқтисодий факультети “Ижтимоий фанлар” кафедрасининг 24.05.2017 йилги 19-сонли Ижтимоий-иқтисодий факультети Кенгашининг 27.05.2017 йилдаги 10/3-сонли ҳамда Термиз давлат университети ўқув-услубий Кенгашининг 2017 йилдаги 11 сонли йиғилиш қарори билан тасдиқланган.

Ушбу услубий қўлланма Фалсафа фанининг намунавий ва ишчи ўқув дастурига мувофиқ тайёрланди.

Тузувчи:

Термиз давлат университети

Ижтимоий фанлар кафедраси ўқитувчиси:

Қорабоев Н.М.

Тақризчилар:

Термиз давлат университети

“Ижтимоий фанлар” кафедраси катта

ўқитувчиси, фалсафа фанлари номзоди:

Раҳмонов А.Э.

Фалсафа фанлари доктори, профессор:

Э.Бобомуродов

Мазкур услубий қўлланма олий таълим тизими барча йўналишлари 1.00. Гуманитар ва ижтимоий иқтисодий фанлар блоки ўқув адабиётлари туркумига киради, давлат стандартлари ва намунавий ўқув дастури мазмунига мос. Китобда фалсафанинг азалдан долзарб муаммоси бўлган ҳақиқат мавзуси кенг қамровли ёндашувлар асосида ёритиб берилган. Услубий қўлланма барча олий ўқув юртларида фалсафа билан шуғулланувчи бакалавр, магистр, мустақил тадқиқотчилар, ўқитувчилар ва умуман, фалсафа муаммолари билан қизиқувчиларга мўлжалланган.

Услубий қўлланма Термиз давлат университети ўқув-услубий Кенгашида муҳокама этилди ва нашрга тавсия этилди.

КИРИШ

Инсоннинг комиллик даражаси бу шунчаки орзу эмас, балки унинг билим асосидаги эзгу фаолияти билан эришиш мумкин бўлган маънавий юксакликдир. Шундай экан, узлуксиз таълим бериш ва мақсадли тарбиялаш орқалигина комиллик сифатларига эга бўлган баркамол инсонларни вояга етказиш мумкин. Шу боисдан ҳам бугунги кунда мамлакатимизда баркамол авлодни тарбиялаш масаласи тобора давлат сиёсатининг ажралмас қисмига айланиб бормоқда. Зеро, “Одобли, билимдон ва ақлли, меҳнатсевар, иймон-эътиқодли фарзанд нафақат ота-онанинг, балки бутун жамиятнинг энг катта бойлигидир”¹. Шу нуқтаи назардан қараганда, ёш авлодни баркамол инсон қилиб тарбиялашда бошқа соҳа вакиллари қатори файласуфларнинг ҳам тутган ўрни катта ҳисобланади.

Бизга маълумки, файласуфлар азалдан ҳақиқат моҳиятини англаб етишга ҳаракат қилганлар. Чунки, файласуфларни ҳамма вақт кундалик ҳаётнинг моддий характерида узок турувчи ҳақиқатлар қизиқтирган эди. Ҳатто файласуфлар ҳақиқатни излашда янглишганларида ҳам фалсафага эҳтиёж ўлгани йўқ. Ҳамон барча одамлар ақлли мавжудот эканликларига даъво қилар эканлар, фалсафа улар ҳаётининг кўзгусига айланади, унинг ёрдамида ҳаётини мўлжаллар излаб топилади. Шунинг учун фалсафий қарашда барча масалалар шахсий омилларни ҳисобга олишни кўзда тутлади. Ҳақиқат моҳиятини билиш асосида инсон ўзини қуршаган оламни англаб етади, уни ҳар хил усуллар ёрдамида ўзлаштиради. Бироқ, шу пайтгача ҳеч ким ҳақиқат масаласида яхлит фикрни айтолганича йўқ. Шунинг учун ҳам бугунги кунда фалсафанинг гносеология ва эпистемология соҳаларида мазкур масалада чуқур изланишлар олиб борилмоқда. Ушбу фалсафий билим соҳаларининг ҳақиқатни тадқиқ этиш масаласидаги муаммолари мазкур мавзунинг қанчалик даражада долзарблигини белгилайди. Бу борада яна қуйидагиларни эътиборга олиш лозим:

¹ Каримов И. А. Юксак маънавият-енгилмас куч. –Тошкент: Маънавият, 2008. – 56 б.

Биринчидан, бугунги кунда ҳаётий кадрятларни қайта баҳолаш учун қандайдир универсал ҳақиқатлар тазйиқидан қутулиш, қарашларнинг ўзаро мувофиқлашуви ва ўзаро таъсирлашуви учун асослар топишга интилиш ва бунда бу қарашларнинг соҳиби инсоннинг индивидуаллигини ва ўзига хослигини сақлаб қолиш лозим. Айни шунинг учун ҳам ҳақиқат моҳиятини аниқлаш уларнинг мезонларини белгилаб олишда муҳим ўринни эгаллайди. Мазкур ҳолат турли соҳалар доирасида эришилган илмий изланишлар натижаларига таянган ҳолда, ушбу тушунчалар мазмунига аниқлик киритиш, илмий асосланган таърифларини ишлаб чиқишни тақозо қилмоқда.

Иккинчидан, одамда мулоҳаза қилиш қобилиятининг ривожланиши ва илмий билимларнинг ўсиб бориши ҳақиқатни фалсафий излаш йўллари ва воситаларини белгилаб беради. Буни биз ҳақиқат тўғрисидаги фалсафий қарашлар эволюциясидан ҳам билиб олишимиз мумкин. Шунинг учун ҳам бу қарашларни яхлит ҳолда тадқиқ этиш бугунги кунда ҳам долзарб масалалар қаторига киради.

Учинчидан, ҳақиқатни аниқлашга доир асосий ёндашувларни таҳлил қилиш бир қанча парадоксал хулосага олиб келади, гарчи ҳам ҳаётий, ҳам илмий амалиётда ҳақиқат тушунчаси фойдаланилса ҳам, аслида, уни охиригача аниқланган, деб бўлмайди. Инсоният ҳали нафақат табиатга, жамиятга ва инсонга тегишли фактлар ва қонунларни кашф қилишга тўғри келади, бундан ташқари, ҳақиқат тушунчасининг ўзига тегишли фактлар ва қонунларни ҳам очишга, яъни янги «ҳақиқат ҳақида ҳақиқатни» топишга тўғри келади. Бу ёзув столи устида эмас, одамларнинг фан, санъат, ахлоқ, бутун ҳаёт ҳақида конкрет ҳақиқатларни олишга имкон берадиган турли – туман фаолият шаклларида қарор топади. Бунинг учун эса фалсафадаги ҳақиқатнинг концептуал асосларидан самарали фойдаланиш зарур бўлади.

Тўртинчидан, инсоннинг ҳақиқатни билишга оид фаолияти, албатта, ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Шунинг учун ҳам замонавий фан ва фалсафий қарашлар ривожланиши натижасида ҳақиқат масаласи борасида фалсафий-методологик

муаммолар юзага келмоқда. Бу эса ўз навбатида мазкур масалалар доирасидаги қўлга киритилган ютуқларни ҳисобга олган ҳолда танқидий ва таҳлилий фикр-мулоҳазаларни ишлаб чиқиш имкониятини юзага келтирди.

Бешинчидан, юксак билим асосида куч-қудратли бўлишга интилиш инсонни ҳақиқатни билиш характерини белгилаб беради. Бу эса ҳақиқатнинг гносеологик хусусиятларини тўғри ва оқилона ёритиб бериш қанчалик муҳим эканлигини кўрсатиб турибди.

Дарҳақиқат, бугунги кунда инсон жамияти ҳақиқат ўз эркинлиги ҳиссини йўқотиш чегарасидан аста-секин чиқиб келмоқда. Фалсафа бу қадриятларнинг ўткинчи эмаслигини қайд қилиб туради, чунки бу қадриятларсиз ҳаёт ўз маъносини йўқотади. Шахснинг ҳаётий режалари ҳам, шунингдек, жамият тараққиёти истиқболларини белгилаш ҳам ақлнинг шунчалик қуруқ ўйини эмас. Инсон ўз ҳаётини икки марта яшай олмайди : бир марта асл мақсадларсиз шунчаки «қоралама» тарзида ва иккинчи марта асл идеал ва мақсадларга мувофиқ ўтай олмайди. Мақсадлар ва идеаллар ҳаётимизни такрорланмас ва жозибали қилади. Улар ҳаётни сақлаб туради. Чунки одамлар ўз ҳаётларини ана шу мақсадларга мослаб, мувофиқлаштириб яшайдилар. Донишмандлик ўзини ҳам, бошқаларни ҳам бостиришда эмас, балки ўз-ўзига ва атроф дунё билан мувофиқликда яшашдир. Бунда фалсафага мурожаат қилиш руҳнинг ривожини таъминлайди, уни эски ақида ва стереотиплардан тозалашга, ҳозирги замон мақсадларига мос истиқбол йўллариغا бошлашга хизмат қилади.

“Фалсафада ҳақиқат муаммоси” мавзуси бўйича маъруза матни

Режа:

- 1. Фалсафа тарихида ҳақиқат (билимларнинг ҳақиқийлиги) муаммоси**
- 2. Ҳақиқатнинг корреспондент, когерент ва прагматик концепциялари**
- 3. Билиш натижаларини баҳолаш.**
- 4. Билишнинг маънавий қадриятлари.**

Ниҳоят, у дунёнинг бир чеккасидаги овлоқ қишлоқда умр бўйи излаганини топди. Ҳақиқат омонат бир кулбада зўрға милтиллаб турган ўчоқ ёнида мунгайиб ўтирарди.

У умрида бундай хунук ва қаримсиқ аёлни ҳали кўрмаган эди.

— Сиз — Ҳақиқатми? — деб сўради овози титраб.

Етти қат букчайган кампир тантанавор бош силкиди.

— Айтинг, мен инсониятга қандай ҳақиқатни айтишим керак? Қайтишимни кутаётган одамларга сиздан қандай хабар етказай?

Юзи алмисоқдан қолган мисдай кўкарган кампир ёниб турган ўчоққа қараб тупурди -да, жавоб берди:

— Одамларга мени ёш ва соҳибжамол деб айт!

(Роберт Томпкинс)

Ҳақиқат аслан яхлит, бир бутун. Лекин инсон тафаккурида у турли қисмлар (фрагментлар), хиллар, қирралар ва даражаларга ажралган ҳолда намоён бўлади. Бошқача айтганда, инсон ўз фикрида воқеликни турли қисмларга ажратиб ўрганади, унинг ҳар хил қирраларини кўради, унга турли даражадаги теранлик билан ёндошади. Шу маънода шаклланган билимлардан ҳар бирининг инсон ва жамият ҳаётида ўз ўрни ва аҳамияти мавжудлиги билан бирга, ўз

чекланганлиги, адашув ва ёлғонлиги ҳам бор. Шунинг учун қайси билим тўғри экани борасидаги бу тортишувлар, бизнингча, аслан яхлит, мутлақ ҳақиқатнинг тафаккурда бир-биридан ажратилган аспектиларининг узлуксиз ва уйғун бирликка, яхлитлашувга келтириш, улар биргаликда мураккаб, улкан ва яхлит иерархия ташкил этишини тушуниш қийин кечаётганининг оқибатидир. Чунки инсон тафаккури қанча ривож топмасин бу бепоён ва улкан оламни бутун мураккаблиги ва ранг-баранглиги билан қамраб олишга ожизлик қилиб келмоқда. Франсуз файласуфи ва табиатшунос олими Б.Паскальнинг “Ҳақиқат “қалб мантиқи”га ва Худонинг мавжудлигини субъектив ҳис этиш орқали далилланишига асосланади”, деган фикри диққатга сазовор. Шу маънода ҳаёт ҳақиқатини тўғри англаш ҳамиша долзарб муаммо бўлиб келган. Зеро, бу дунёда инсон шаънига муносиб фақат битта интилиш бор, у ҳам бўлса дунё ва ундаги ўз ўрнини, ўзининг бу дунёга қандай, нима учун (қай мақсадда) келганини, яъни ҳаётида юксак маъно ва мақсад борми ёки йўқми, агар бор бўлса бу нимадан иборатлиги ҳақидаги ҳақиқатни билишдир. Ер юзида инсон зотидан бошқа ҳеч бир тирик жоннинг бундай муаммо билан иши йўқ. Ҳеч қайси тирик мавжудот шу ҳақиқатни деб ўз жонидан ҳам воз кеча олмайди. Шу маънода ”инсонни инсон қиладиган, унинг онги ва руҳияти билан чамбарчас боғланган бу тушунча ҳар қайси одам, жамият, миллат ва халқ ҳаётида ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайдиган алоҳида ўрин тутади.”¹

Платон ўзининг “Базм” номли диалогда Сукрот номидан тасвирлайди: “Донишмандликни (Ҳақиқатни) севган инсон (файласуф) Ҳақиқатга интилади. Ҳаққа интилиш - бу гўзалликка интилишнинг олий кўринишидир.” Шу ўринда яна бир масалани қайд этишимиз ўринли бўларди, бугунги кунда гносеология, яъни ҳақиқатни билиш методлари ва йўллари ҳақидаги асл фалсафий таълимот ўрнини эпистемология – илмий билим спецификасини, унинг тараққиёт қонунларини ва бошқа шу каби муаммоларни таҳлил этишдан иборат тор аналитик илмий назариялар эгалламоқда. Шунинг учун ҳам эндиликда

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч.- Тошкент: Маънавият, 2008. – Б.19.

гносеологиянинг ўрнини эгаллаган бу “фалсафа”- эпистемология асл ҳақиқатнинг чуқур фалсафий таҳлилини амалга оширишга қодир эмаслиги кўриниб турипти. Зеро, бизнинг фалсафий тафаккуримиз фақат эпистемология масалалари билан чекланиб қолганлиги учун онтологияга оид тушунчалар, хусусан, онтологияга оид олов (нур) нинг, гносеологияга оид логос (нус) нинг асл маъносини ёрита олмайди ва уларни бевосита мантиқан боғлай олмайди, синтезлай олмайди. Айни шу ерда, муаммони диалектик услуб ёрдамида ёритишга катта зарурат туғилади (агар у ҳам эпистемолог файласуфлар назаридан соқит қилинмаган бўлса, албатта). Бу синтезни амалга оширишнинг қийинлиги, асосан шундаки, шу вақтгача биз диалектикани фақат табиатдаги, жамиятдаги айрим ҳодисаларни ва қисман мантиқий билиш жараёнини тушунишга татбиқ этишда юқори марраларга эришиб келдигу, лекин уни фалсафий тафаккурнинг ўзига, хусусан, онтология билан гносеологияни узвий бирликда қабуллашга татбиқ этмаган эдик.

Ҳақиқат нима? Ҳақиқат – фавқулодда кенг тушунча. Бу сўздан фойдаланиш хусусида В.С.Соловьёв шундай ёзган эди: «Агар ҳақиқат нима?» деган доимий саволга: ҳақиқат – бу учбурчак бурчакларининг йиғиндиси икки тўғри бурчакка тенг, ёки водороднинг кислород билан бирикишидан сув ҳосил бўлади, деса – бу ёмон ҳазил бўлмайди».¹

Классик анъанада ҳақиқат билимнинг шундай хоссаси ҳисобланадиги, бу бизнинг онгимиз мазмунининг объектив ҳолатга мувофиқлигидир. Классик анъанада ҳақиқат билимнинг инсон онги мазмунининг объектив воқеликка мувофиқ келиш хоссаси, деб тушунилади. Тўғри, бунда шундай баҳс келиб чиқди: мулоҳазалар ақл ғояларига мос келиши керакми ёки сезги маълумотларигами? Чунки, асл маънода билимнинг борлиқнинг ўзига мос келиши талаби бажарилиши мумкин эмас, ахир борлиқ ҳамма вақт билиш шаклларида берилади-ку. Иккинчи қийинчилик шундаки, сўзлар фикрларга ўхшамайди, фикрлар эса нарсаларга ўхшамайди. Унинг устига, ҳақиқатлик

¹ В.С.Соловьёв. Философские начала цельного знания // Соч. Т.2 М., 1988, 230 б.

белгиларини аниқлашга уринишнинг ўзи бу белгиларнинг ҳақиқий бўлишини кўзда тутади. Шундай бир «доира» пайдо бўлади: аниқланиш керак бўлган нарса аниқловчи бўлиб келади.

Ҳақиқатни аниқлашга доир ёндошувлардаги турли фарқ бу сўзнинг бирор мустақил мавжуд моҳиятни аниқлаш маъносида ишлатилганми ёки инсон билимининг характеристикаси сифатида ишлатилганига боғлиқ бўлади. Аввало, бу ҳақиқатни тушунишдаги икки асосий анъана: онтологик (бу анча илгариги, Платон номи билан боғлиқ) анъана ва гносеологик (Аристотель номи билан боғлиқ) анъанага тегишли. Бу икки шархлаш орасидаги асосий фарқ шундаки, агар Платон ва унинг маслакдошлари ҳақиқатни бирор борлиққа тегишли нарса десалар, Аристотель уни бизнинг онгимизнинг билиш мазмунининг характеристикаси, унинг мантиқий боғланган нутқда (хукмда) ифодаланиши, деб билади. Биринчи ҳолда, ҳақиқат- бу ўз- ўзича борлиқдир, иккинчи ҳолда эса – бизнинг бу борлиқ ҳақидаги ҳақиқатдан билганимиздир. Шундай қилиб, Аристотельда «ҳақиқатнинг ўрни» ҳакамлик қилувчи гап бу гапда хукмдан мустақил равишда мавжуд бўлган воқелик ҳақидаги тасдиқ ёки инкор акс этади.

Ҳақиқатнинг классик таърифи. Аристотель ҳақиқатнинг таърифини берар экан, хукм билинаётган предмет структурасини мантиқан тикласа у ҳақиқийдир, дейди. Бунда бу муносабатда етакчи, аниқловчи томон ақлнинг хукми эмас, воқеликнинг ўзидир, деб ҳисоблайди. Аристотель томонидан берилган таърифнинг маъноси қуйидагича намоён бўлади.

- ташқи воқелик билиш объекти сифатида билишгача мавжуддир ва у тўғрисида билимнинг бор ёки йўқлигига боғлиқ эмас (ҳолбуки, билим, аксинча, батамом объектга боғлиқ, чунки объект бўлмаса, билим ҳам бўлмайди, чунки «ҳеч нима тўғрисида билим» бўлмайди).

- «ҳақиқат» тушунчаси борлиқ тушунчаси билан мос айний эмас, чунки у борлиққа эмас, унинг ақл томонидан нутқда ифодаланган хукмига боғлиқ.

- хукмнинг ҳақиқийлиги уни билиш предметига нисбатан олганда намоён бўлади ва хукмнинг структураси ва мазмуни «нарсалар билан бўлаётган ишга тўғри келганда»гина хукмни ҳақиқий, деб тан олиш мумкин.

Билимнинг ҳақиқийлигини ундан ташқарида ва у билан боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуд бўлган реалликка мос (мувофиқ) келишига қараб баҳолагани учун Аристотель назарияси «мувофиқлик (корреспонденция) назарияси, деб номланган. Бундай деб номлаган инглиз файласуфи Дж.Мур Аристотель берган таърифни янада аниқлар экан, хукмнинг ҳақиқийлиги шундаки, универсумда шу хукмга мувофиқ келадиган бир факт борлигини билдиради ва аксинча, хукмнинг нотўғрилиги, ёлғонлиги унда ана шунга мувофиқ келадиган фактнинг йўқлигини билдиради, деб ўргатади. Шундай қилиб, Аристотельнинг фикрига кўра, ҳақиқат муаммоси ташқи дунё ва онгнинг мантиқий боғланган нутқда ифодаланган мазмуни орасидаги мувофиқлиги, мослиги маъносида кўйилади ва ҳал қилинади. Бироқ, ақлга тўғри келиши нуқтаи назаридан тўғри, аниқ ва равшан туюлган бу концепцияни амалда қўллашда мавжуд қийинчиликларга дуч келинди ва уларни Аристотельнинг ўзи ҳам кўрган эди. Аввало, хукм ва предмет дунёси орасида тўппа – тўғри (бевосита) мувофиқлик йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас, чунки нарсалар сони номлар ва сўзлар сонидан ўз – ўзидан кўп ва айти бир сўз ёки ном албатта кўп нарсани билдиради».¹ Нутқни ташкил қилган сўзлар тўплами ташқи дунёга предметлар ва ҳодисалар тўпламига мувофиқ келмайди. Шунинг учун реалликнинг мавжуд турли – туманлигини қоплай олмайди ва шунинг учун билинаётган воқеликнинг бутун мазмуни бир қийматли акс этилишини таъминлай олмайди. Бунинг сабаби, нарсалар дунёси доим ўзгариб туради ва мавжудликнинг чексиз турли – туманлигини юзага келтиради, ҳолбуки, айти вақтда мантиқ ва грамматиканинг кўплаб қатъий қоидаларига бўйсунган ақлий хукмлар ўзгармас қолганича давом этади.

Классик концепциянинг онтологик асослари. Аристотельнинг бу қоидасини тушуниш учун унинг билиш назариясини бутунлигича ва айтиқса,

¹ Аристотель. О софистических опровержениях.// Аристотель. Соч.Т.2. 1978. 536 б.

ҳақиқат тўғрисидаги фикрининг онтологик асосланишига мувожаат қилиш керак бўлади. Бундай асос унинг борлиқ концепциясидир. Бу концепцияга мувофиқ борлиқ ягона бўлгани ҳолда гўё икки «қатлам»дан иборат. Биринчиси – сезгилар воситасида қабуллаш мумкин бўлган ва доимий ҳаракатда бўлган моддий дунё. Иккинчиси, нарсалар орасидан «ёришиб кўринадиган» - ақл етадиган шакллардаги «чуқурликдаги» қатлам. Бу иккинчи қатлам бутун кўзга кўринувчи ўзгаришларнинг асосини ташкил қилади, назарий асослар йиғилмаси тарзида намоён бўлади, юзаки қатлам предметларининг мавжудлик усули ва ўзгариб туриш характерини белгилайди. Ҳар икки қатламнинг мазмунлари моҳиятлар тўпламини ташкил қилади, бироқ бу моҳиятлар ўз характеристикалари бўйича фарқ қилади. Юзаки қатлам моҳиятлари ташкил этувчилар (моҳиятлар) бўлади ва шунинг учун пайдо бўладилар ва йўқоладилар, чунки бирлашган нарса ажралиши ҳам мумкин-ку. Чуқур «қатлам» моҳиятлари содда ва ички жихатдан ягона (бир) бўлади ва шунинг учун улар пайдо бўлмайди ҳам, йўқолмайди ҳам, ақлда идрок этиладиган фикрнинг зарурий ва универсал энг умумий абадий предметлари бўлади.

Агар Аристотель билишнинг вазифасини моҳиятга эришиш, деб билган экан, ўз – ўзидан равшанки, биринчи ва иккинчи даражали моҳиятларни билишнинг аҳамияти мутлақо тенг аҳамиятли эмас. Билиш борлиқнинг сиртқи қатлампидан ўтибгина унинг ҳар қандай бевосита кузатиладиган ўзгаришларининг сабаби бўлган асл ва ўзгармас асосларига эришади. Ана шундай ўтиб кириб бориш туфайли ўзининг мазмунида жисмларнинг айнан чуқур моҳиятларини ифодаловчи, тиклаб берувчи асл билимга эришилади.

Ҳақиқат нарсаларнинг асл моҳиятини ифодаловчи ишончли билим, деб тушуниш Янги Даврнинг гносеологик таълимотларида қабул қилинган ва янада ривожлантирилган эди. Бу таълимотларнинг асосий мақсади ишончилиги шубҳага олинмайдиган фундаментал асосларни топиш ва уларни бутун ҳақиқий билим системасининг мустаҳкам таянчига айлантириш эди. Бунда билишнинг рационал назариялари ҳам, эмпирик назариялари ҳам бундай асосни ёки

математик ёки мантикий принципларнинг ёки аксиомалар ёки хиссий таассуротларнинг бевосита равшанлигида, деб билар эдилар. Ҳақиқийлиги ўз – ўзидан равшан деб кўзда тутиладиган бундай фундаментал асосларга мувофиқ келадиган ҳар қандай билимнинг ана шу мувофиқ келиши унинг ҳақиқий билим эканлигининг критерийси ҳисобланар эди.

Классик назариянинг парадокслари. Ҳақиқатнинг классик назариясидан фойдаланишда аста – секин қатор қийинчиликлар намоён бўла бошлади. Агар инсон оламнинг бевосита ўз – ўзи билан иш кўрмаса, балки унинг хиссий идрок этиладиган ва (ёки) концептуаллашган тасаввурлари билан иш кўрса, у ўз билимининг ана шу дунёга мос келиш ёки келмаслигини қандай текшириши мумкин? Равшанки, бизнинг даъволаримизнинг хиссий маълумотлар ва мантиқ талабларига мувофиқ келиши бу даъволарнинг (гапларнинг) ҳақиқийлигининг абсолют критерийси бўла олмайди. Уларнинг ҳақиқийлигини асословчи критерийнинг ўзи асосланиши керак эди. Ҳақиқат классик назариясининг бу парадокси антик дунёдаёқ маълум эди. Ҳозирги замон билиш назариясида «Нильсон парадокси» деб ном олган.

Ҳақиқатни билимнинг воқеликка мувофиқ келишлиги, деб тушунишдаги иккинчи қийинчилик шундаки, мувофиқлик талабининг ўзи парадоксдир. Мувофиқ бўлиши тўғрисида гапирар эканмиз, биз фикримизнинг (ёки айтган гапимизнинг) объект билан айний бўлишини кўзда тутмаймиз. Билимнинг моҳияти ўзи шундаки, у ўз предметидан фарқ қилади. Бироқ бу ҳолда тўла – тўқис мувофиқ келиш бўлмайди, демак, ҳақиқатлилиқнинг миқдорий градацияси (бўлиниши) мумкин экан-да. Бироқ қандай қилиб ярим ҳақиқий бўлиши мумкин?

Ҳақиқатни мувофиқ келиш, деб таърифлаш билан боғлиқ ва бу ҳам антик даврдаёқ маълум бўлган, учинчи парадокс – «ёлғончи парадоксдир». Крит оролида яшовчи Эвбулит «Барча критликлар ёлғончи», - дейди. У тўғри айтганмиди. Ёки алдаганмиди? Мувофиқлик принципи айtilган гапнинг ишнинг бирор боришига мос бўлишини кўзда тутди. Бу ҳолда ана шундай ишнинг бориши холати бўлиб «Менинг айтганим - ёлғон», - деган гапга хизмат

қилади. Натижада, агар бундай ўзи референт гапни ҳақиқий деб тан олсак, юқоридаги гап алдов бўлиб қолади ва аксинча. Бунинг ёлғонлигидан келиб чиқсак, у ҳақиқий бўлади. «Ёлғончи парадокси» ҳақиқатнинг классик концепциясининг парадоксидир ва у кўпчилик мутафаккирлар томонидан концепциянинг мантиқий зиддийлигидан, деб тушунилган эди.

Классик концепциянинг модификациялари. Декарт ғояларининг равшан ва тушунарлилиги (ўз – ўзидан равшанлиги) уларнинг ҳақиқийлигининг етарли критерийсидир, деган фикрларига моненьлик билдирар экан, Лейбниц ҳақиқатан аниқ – равшан ғояларни гўё шундай туюлган ғоялардан фарқ қилишга доир умуммаъно белгиларининг зарурлигини кўрсатган эди. Қатъий критерийнинг йўқлиги уни батамом субъектив ва ихтиёрий қилиб қўяди; ҳақиқатан ҳам, ўзи аслида чекланган одамларга ўз айтганларини аниқ ва равшан, деб билганлари аслида бундай бўлмаслиги мумкин – ку. Лейбниц янада қатъийроқ критерий сифатида ғоянинг ички зиддиятли эмаслигини илгари сурди. Бу ички зиддиятсизлик ёки субъект билан мулоҳаза предикатининг айнийлигида (ақл ҳақиқатлари учун) ёки бизнинг барча феноменларимизнинг бир-бирига мослиги (мувофиқлиги)да (факт ҳақиқатлари учун) намоён бўлади. Бунда у биз ишлатаётган атамаларни тўғри тушунишнинг зарурлигига эътибор беришни таъкидлайди.¹ Шундай қилиб, Лейбниц ҳақиқат ва унинг критерийлари тўғрисидаги гносеологик дискуссияларга мантиқий ва семантик воситалардан кенг фойдаланишга кенг йўл очади.

Ҳақиқатнинг классик назариясидаги бундай «нуқсон»ларнинг аниқланиши, бир томондан, бу назарияни мукаммаллаштиришга интилиш туғдирди, иккинчи томондан эса, бундай парадокслардан озод бўлган бошқа «ноклассик» концепциялар яратишга ундади.

Ҳақиқат назариясини тузатишлар билан тўлдириш ва модификация қилишга доир асосий анъаналар қуйидаги йўналишларда олиб борилганини қайд қилиш мумкин:

¹ Г.Лейбниц. Соч. Т.2.М., 1984. 119-120 б.

- референт ҳақида янада қатъийроқ тасаввурларни шакллантириш;
- билимнинг воқелик билан (уларнинг батамом турли табиатли эканлигини ҳисобга олган ҳолда) билвосита солиштиришнинг методикасини ишлаб чиқиш;
- ҳақиқатни тасдиқлайдиган чегаравий асослашларни излаб топиш, уларга таянган ҳолда чексиз регрессни бир ёқлик қилиш.

Албатта, тавсия қилинган концепциялардан амалда ҳар бири юқорида биз қайд қилган анъаналарнинг фақат биттасинигина танлаш билан чекланмай ҳар бирдан (у ёки бу даражада) ўз ичига олиши мумкин.

Мулоҳазанинг (айтилган гапнинг) аҳамияти ва маъноси орасидаги фарқ. Ҳақиқатнинг классик концепциясини таҳлил қилиб Г.Фреге бирор мулоҳазани ҳақиқий, деб аниқлашга шубҳа билдирди, аслида, ҳеч нимани ўзгартирмайди, чунки оддийгина қилиб амалда фактни қайд қилишнинг ўзи унинг ҳақиқийлигини тасдиқлаш деганидир. Ҳақиқатан ҳам, «ҳозир ёмғир ёғмоқда» деган иборага унинг ҳақиқийлигини тасдиқловчи «ҳозир ёмғир ёғаётгани ҳақиқат», дейиш нима янгилик киритади. Фреге умуман классик назарияга анчагина скептик ёндошади, чунки,- деб фикрлайди у, гапнинг ҳақиқийлиги уни реалликка солиштирган ҳолда аниқлаш шубҳали, чунки ҳақиқийликка қандай белгини асос қилиб олмасак, биз, аввало, ана шу ҳақиқийлик белгиларининг ўзи ҳақиқий эканлигига ишонч ҳосил қилишимиз керак. Шунга қарамай, Фрегенинг мантиқий ғоялари референция назариясини яратиш учун янги уфқлар очади.

Хукм ва унинг предмети орасидаги муносабатни қараб чиқар экан, Фреге биринчи бўлиб, айтилган гапнинг фикри ва маъноси орасидаги фарқни аниқлайди. Масалан, учбурчак олайлик ва учта: а, в, с медианалар ўтказайлик. Бу медианалар учбурчакнинг центроиди, деб аталган нуқтада ўзаро кесишади (ҳар қандай учбурчакнинг хоссаси шундай). Бу нуқтани «а ва с медианаларнинг ўзаро кесишиш нуқтаси», «в ва с медианаларининг ўзаро кесишиш нуқтаси», деб белгилашимиз мумкин. Бу барча ибораларнинг референт ёки маъноси ягона битта нуқта, яъни учбурчакнинг центроиди бўлади, бироқ бу маънонинг

берилиш усули, яъни ҳар учала гапнинг фикри турлича бўлади. Шундай қилиб, гапнинг маъноси ва фикри – бу бошқа – бошқа экан.

Масалан, биз «Йенедаги ғолиб» деганимизда ҳам, «Ватерлоодаги мағлуб» деганимизда ҳам – бу икки маъноси турли гапнинг референти айти бир шахс – Наполеонни назарда тутамиз. Классик мувофиқлик назариясига кўра, Наполеон тўғрисида гапирганда юқоридаги бир иборани иккинчиси билан осонгина алмаштириб қўйишимиз мумкин. Ҳолбуки, бу гапларнинг маъноси ҳар хил.

Шундай қилиб, ҳар қандай мулоҳаза (гап) ўзининг маъносидан (мазмунидан десак ҳам бўлади) ташқари бу маънога мувофиқ келмайдиган фикрига ҳам эга экан. Гапнинг фикри тасаввур билан маъно – ўртасидаги оралик ҳолатни эгаллайди. Бунда тасаввур қандайдир субъектив (индивидуал онгнинг образи), фикр эса интерсубъектив характерга эга, албатта, у маъно сингари гапнинг референти ҳам эмас, предметнинг ўзи ҳам эмас. Шундай қилиб, фақат маънога ёки референтга эга бўлган гапларга нисбатангина унинг ҳақиқийлиги ёки ёлғонлиги тўғрисида гапириш мумкин экан.

Ҳақиқийлик ёки ёлғонликни аниқлашнинг чекланганликлари. Гапнинг маъноси ва фикри орасидаги фарқни аниқлаб олишда шундай гаплар ҳам бўлиши мумкин эканки, уларда фикр мавжуд, лекин референт бўлмайди, деб тасдиқлашга имкон беради. Бундай гапларни бирор ташқи реалликка таққослаб (солиштириб) бўлмайди, бинобарин корреспондентлик назариясига кўра уларнинг ҳақиқийлигини ҳам, ёлғонлиги ҳам аниқлаб бўлмайди. Бундай гапларга ёзувда қўштирноқ ичига олинадиган билвосита нутқни мисол қилиб кўрсатиш мумкин, уларда предметлар тўғрисида эмас, сўзлар, бошқа гаплар ифодаланган бўлади.

Бунга ўхшаш гапларда биз «белгиларнинг белгилари» билан иш кўрамиз, уларда фақат фикр сақланадию, маъно бўлмайди. Биз бундай гапларни уларда мавжуд бўлган фикрга кўра тушунишимиз мумкин, бироқ референти бўлмагани учун уларнинг ҳақиқий ёки ёлғонлигини тасдиқлай олмаймиз. Масалан, Пилатнинг «Сен иудийларнинг подшосимисан», деган саволга исо (Исус) «Сен

шундай дейсанми?» деб жавоб берганда билвосита гапларга айланади, Пилатнинг саволига инкор жавобини ҳам, тасдиқ жавобини ҳам бермайди.

«Мантиқий атомизм» программаси. Референция тушунчаси тобора қатъийлашиб боргани сари ҳақиқийми ёки ёлғонми, деб қаралиши мумкин бўлган гаплар доираси ҳам торайиб боради. Б. Рассель бу доирадан барча фикрsiz гапларни, ёки фикр бор, лекин аниқ ифодаланган референти бўлмаган гапларни чиқариб ташлашни тавсия қилади. Албатта, шубҳасиз қолган гаплар базис «атомар гаплар» тўпламини ташкил қилади. Бундай гаплар доирасига аниқ ифодаланган референтлари бор гапларгина киради, шунинг учун уларнинг ҳақиқийлиги ёки ёлғонлиги классик йўл билан яъни уларни қандайдир элементар референтларга – «атомар фактлар»га нисбат бериб (мувофиқлаш йўли билан) аниқланиши мумкин.

Энг содда гаплардан мураккаб «молекуляр гаплар» тузилиши мумкин, буларнинг ҳақиқийлиги «атомар» гапларга синтаксис муносабатларига қараб аниқланади. «Молекуляр гапларнинг ҳақиқийлигини аниқлаш (верификация қилиш) учун уларни ҳар бири ўзи англатадиган фактларга таққосланиши мумкин бўлган «атомар гаплар»га ажратилади.

«Атомар гаплар» ва «атомар факт»ларни ўзаро мувофиқлигини аниқлаш ҳақиқатни якуний (ниҳоявий) верификация (тасдиқлаш) қилиш бўлади. Бунда Рассел ҳақиқийлик муносабатини сабабийлик муносабатига яқинлаштиради. У шундай мулоҳаза қилади: «Бу А дир» деган типдаги гап «А ни билдиргани туфайли шундай», яъни факт бўлгани учун шундайлигини билдирсада ҳақиқий саналади.¹ Бу ерда «факт» деб мантиқдан ташқари, биз уни шундай деб қабул қиламизми, йўқмилигидан қатъий назар мавжуд бўлган бир нарса тушунилади. Рассель бу тушунчага жуда кенг маъно бериб, уни бирор аҳвол (шароит) ёки воқеа тушунчасига тенглайди.

Рассельнинг «атомар фактлар» назариясини ўзининг «мантиқий – фалсафий трактат» асаарида Витгенштейн ривожлантиради. Оламни у «фактлар

¹ Б. Рассель. Человеческое познание. Его сферы и границы. М., 1957. 147 б.

тўплами, мажмуи» деб тушунтиради, бу элементар фактларга тўғри келадиган ҳақиқий гапларни тўла мажмуи олам тўғрисидаги ҳақиқий билимнинг мутлақо тўлиқ манзарасидир. Тўғри, верификация қилинадиган (ҳақиқий ёки ёлғон деб бўлинадиган) гаплар рўйхатига маъносиз иборалар, билвосита гап иборалари ва умуман референтлари бўлмаган (шу қаторда фалсафанинг мазмунини ташкил қилувчи барча гаплар) гаплар кирмайди. Лекин бу рўйхатга кирадиган элементар гапларнинг ҳақиқийлиги ёки ёлғонлиги ниҳоятда қатъий ва бир қийматли аниқланиши мумкин.

«Мантиқий атомизм» стратегиясининг моҳияти қуйидагича: фараз қилайлик, оламнинг образини оппоқ текисликка нотўғри шаклдаги қора доғлар бир текис бўлмаган ҳолда сачратилганини кўз олдимизга келтирайлик. Бундай текисликни ёки унинг бир бўлагини аниқ ва тўлиқ таснифини бериш анча қийин. Бироқ текисликни кўплаб кичик ячейкаларга бўлиб ташласак, уларнинг ҳар бири тўғрисида у қора ёки оқ эканлигини мутлақо аниқ айтиш мумкин. Натижада «агар барча элементар гаплар берилган ҳамда улардан қайси бири ҳақиқий, қайси бири ёлғон экани кўрсатилган бўлса, олам тўлиқ ҳолда тасниф қилиниши мумкин».¹

Ҳақиқатнинг ноклассик концепциялари корреспондентлик назариянинг биз юқорида баён қилган модификациялари у ёки бу даражада ҳақиқий мулоҳазалар референцияси муаммоси атрофида гуруҳларга ажралади. Расселнинг кўрсатишича, бизнинг гапларимизни ҳақиқий қиладиган воқеаларни идентификация қилиш – бу соф грамматика масаласи эмас. «Венера мавжуддир» деган гапни «тонгги юлдуз – кечки юлдузнинг ўзи» деган ҳақиқий айний гап билан верификация қилиниши мумкин.

Агар Венеранинг мавжудлик фактини тонги ва кечки юлдузнинг айнийлиги верификация қилса у ҳолда гап воқеалар ҳақида балки бошқа турдаги фактуал моҳият ҳақида боради. Бу ерда нарсалар, фактлар қандайдир мантиқдан ташқари комплекслардир, деб фараз қилишга тўғри келади ва Рассел ўзининг

¹ Л.Витгенштейн. Логико – философский трактат. // Витгенштейн Л. Философские работы. Ч.1.М., 1994. 30-б.

кейинги ишларида фактлар – ўзига хос метафизик моҳиятлардир, деб тан олишга мажбур бўлган эди.

Фреге ҳақиқий фикрни факт, деб атаган эди. Фикр бу шуки қайсики фикрланади. Агар биз Р деб ўйласак, бу деган сўз Р- фикр ва шу билан бирга, фактдир. Бироқ ҳақиқат бу фикрланаётган ва қандайдир бошқа, «Р ни» тасдиқловчи орасидаги муносабатдир. У ҳолда фикрланаётган нарса фактдан нимаси билан фарқ қилади ва нималари билан улар мувофиқ келишини аниқлашга тўғри келади. Бироқ, элементар гапларни объектив дунёнинг бирор фазо – вақтли фактлари билан таққослашда биз юқорида кўрсатиб ўтган фикрланаётган ва моддий нарсанинг турли – туман эканлигидан иборат муаммо юзага келади.

Ҳақиқатнинг когерентлик назарияси. Билим ва унинг предмети принцип жиҳатидан турли – турли нарсалар эканини О.Нейрат ечишга уринди. У билиш муносабати – бу корреспонденция (ташқи нарсага нисбатлаш) эмас, когеренция (ички мувофиқлик) деб фараз қилди. У Аристотельнинг ҳақиқатни классик талқин қилувчи мувофиқликдан воз кечишни таклиф қилади ва Лейбницнинг ҳақиқий билимнинг ички зиддиятсизлиги тўғрисидаги ғояларига туташадиган ғояни илгари суради. Бу янги концепциянинг мазмуни қуйидагича.

Ҳақиқатликка даъво қилинадиган мулоҳаза унинг ўзининг табиатидан бошқача табиатли қандайдир бўлмасин моҳиятлар билан таққосланмаслиги солиштирилмаслиги керак. Мулоҳаза фақат мулоҳаза билан «таққосланиши мумкин кечинмалар» билан ҳам, «дунё» билан ҳам ва яна нималар билан ҳам таққосланмаслиги керак. Ҳар қандай янги ибора тасдиқланиб бўлган даъволарнинг бутун комплекси билан бутун мавжуд бўлган билим системаси билан солиштирилиши керак. Системанинг ички боғланганлиги, зиддиятсизлиги (когерентлиги) критерийси бу системани ташкил қилган ҳар бир системага тегишли фикрга ҳам, бир бутун системанинг ўзига ҳам ягона критерийдир.

Умуман олганда ўз ичида мувофиқлашган «когерент» билим системаси ҳақиқат тушунчаси нисбат қилинадиган системадир. Бу ерда когеренция

назарияси классик корреспондентлик назариясига ўхшайди. Бироқ бу ерда зиддиятларни бартараф қилиш системага янгидан киритилаётган даврони ўзгартириш ёки рад этиш ҳисобигагина бажарилмайди. Аввал қарор топган системанинг ўзини ҳам ўзгартириш мумкин.

Когерентлик – корреспонденциянинг хусусий холидир. Ҳақиқатнинг когерент назариясини таклиф қилар экан, унинг ёрдамида О.Нейрат классик назариянинг референт муносабатлар моҳиятини аниқлаш билан боғланган парадоксларини бартараф этишни кўзда тутган эди. Бироқ бу ерда ҳам ўзига хос қийинчиликлар юзага келади, когеренциянинг ўзи эса яқиндан ўрганилганда одатдаги Аристотель корреспонденциясига яқин экан.

Когеренция назариясига мувофиқ «факт» - бу билувчи субъектнинг ҳақиқий, деб тан олган нарсаларидир. Бунда субъектнинг мавжуд бўлган ишончлар системаси (биргаликдаги) ички келишилган система, деб қаралади. Бироқ ишончлар системаси турли одамларда турлича бўлиб, мувофиқланмаган бўлиши ҳам мумкин. Бунда шундай савол келиб чиқади, ҳақиқатликка даъво қилинаётган системалардан қайси бирига нисбатланади? Агар бу қийинчиликни илмий билим системасининг интерсубъективлигига таяниб бартараф этиш мумкин бўлса, даъво – у ҳолда қандай бўлади? Мувофиқлик бўлмаганда нимани ўзгартириш керак бўлади ва энг асосийси, уни бартараф қилишда нима «ҳал қилувчи» ўрин эгаллайди.

Р.Карнап бундай ҳал қилувчи ўринни имтиёзли «ҳисобот» ёки «протокол» (баёний) гаплар гуруҳига беришни таклиф қилади, қолган бошқа гаплар ана шу гапларга мувофиқлашиши керак. Бироқ Карнапнинг фикрига кўра, кузатишларни баён қилувчи бундай гаплар назарий қурилмаларни ҳақиқатлигини аниқловчи ишончли критерий бўла олмайди, чунки кузатиш натижаларининг ўзи назарияга боғлиқ бўлади.

Бу муаммони ечишнинг бошқа йўли элеатлар фалсафасига бориб тақалади, улар ниманики мулоҳаза қилишда зиддият бўлмаса, у борлиқ бўла олмайди, деб тасдиқлар эдилар. Масалан, борлиқмаслик ғоясининг ўз – ўзига зидлигидан

Парменид шундай хулоса қилади: “Борлиқмаслик ҳақидаги фикрнинг референти йўқ, шунинг учун у нотўғри (ёлғон) фикрдир”. XX асрда америкалик файласуф Н.Решер Парменид фикрининг бир мунча модификацияланган вариантыни беради: у даввонинг (гапнинг) ҳақиқий бўлишини текшириш критерийси сифатида ўзаро когерентлик муносабатларининг кенглигини, яъни ҳақиқийлигини даъво қилаётган иложи борича кўп сондаги эмпирик мулоҳазаларга мувофиқ келишини илгари суради. Бироқ бунда Н.Решер ўз концепциясига кўра, когерентлик фақат бир гапнинг бошқасига муносабати билан аниқланади деса-да, бу концепция асосида Пармениднинг ўз – ўзига зид фикр ҳақиқий бўла олмайди, чунки унинг референти йўқ деган, ғоясига таянади.

Ҳақиқатнинг семантик назарияси. А.Тарский томонидан ишлаб чиқилган, у, асосан, «ёлғончи парадокс»ни бартараф қилишга қаратилган. Шунини айтиш керакки, Тарский назарияси умумфалсафий бўлишдан ҳам кўра махсус мантиқий назариядир, унда ҳақиқат соҳиби гапда ифодаланган мулоҳаза бўлади. Гапни икки тарзда қараш мумкин: муайян маънони ташувчи соҳиби ва иккинчидан, ўзининг ўз номи. Мантиқда бу нарса атамани эсга тушириш ёки ундан фойдаланиш орасидаги фарққа мос келади. Эсга тушириш – атамани ўзининг ўз номи сифатида ишлатишдир; фойдаланиш – бу атамани реал дунёга бирор воқеани белгилаш учун ишлатиш. Масалан, «қор - оқ» («қор - оқ») қорнинг оқлигини тасдиқловчи гапга тегишли, иккинчиси (қор-оқ) қорнинг ўзига тегишли ва унинг айнан оқлигини тасдиқлайди. Шундай қилиб, мазкур конкрет ҳолга қўллайдиган бўлсак, ҳақиқатни аниқлаш шундай ёзилиши мумкин: «қор - оқ» ҳақиқий мулоҳаза, агар ва фақат «қор - оқ» бўлса, ёки умумлашган шаклда «Р» - ҳақиқий, агар ва фақат Р бўлса».

Бу таъриф ҳақиқатнинг мувофиқлик классик концепциясини интуитив тасаввурининг мантиқий экспликацияси, аниқланишидир. Кейинги қадам «ёлғончи парадокс» сингари семантик парадоксларнинг юзага келиши имкониятини бартараф қилишдир. Табиий тилда мазмунли ифодалар, бу ифодаларнинг номлари ва уларнинг семантик характеристикалари («ҳақиқийми»

ёки «йўқми») тенг асосларда қўлланилади ва бу нарса ўзи референт бўлган гапларнинг пайдо бўлишига, уларнинг семантик парадоксларни юзага келтиришига олиб келади.

Ўз – ўзидан референтлик ходисасини йўқотиш учун Тарский объектлар ҳақидаги мулоҳазаларни бу мулоҳазаларнинг ҳақиқийлик шартлари ҳақидаги мулоҳазалардан (гаплардан) фарқ қилишни тавсия қилди. Объектлар ҳақидаги мулоҳазаларни алоҳида формаллаштирилган «объектлик тили»да олиб бориш керак, бу тилнинг луғатига ўз – ўзидан референт мулоҳазаларнинг пайдо бўлмаслиги учун семантик муносабатларни характерловчи гапларнинг ҳам, атамалари ҳам кирмаслиги керак. Объектлик тили ибораларининг ҳақиқийлиги шартларини алоҳида «метатил»да муҳокама қилиш керак, бу тил энди бутун объектлик тилини, унинг гапларнинг номлари ва атамаларини ўз ичига олиши керак, чунки улар «фактларга мувофиқ», «ҳақиқий», «ёлғон» ва ш.к. семантик муносабатларни билдиради.

Бир тилда белгиланган (метатилда) шаклланган ҳақиқийлик шартларини аниқлаш бошқа тил (объективлик тили) даги ибораларнинг ҳақиқийлигини аниқлаш учун қўлланилади. Ана шу йўл билан аниқланган ҳақиқийлик бошқа бирор тилда эмас, айнан объективлик тилидаги ҳақиқат бўлади. Объективлик тилининг метатилдан ажратилишини ҳисобга олиб, ҳақиқатни семантик аниқлаш шакли биз юқорида кўрган: «объективлик тилида» «Р» ҳақиқий, агар фақат Р бўлса» кўринишига келади.

Ҳақиқатни семантик аниқлашнинг асосий натижаси унинг корреспондентлик назариясидаги «ёлғончи парадокс»ни йўқотишга хизмат қилди ва бунда бирор тилдаги ибораларнинг ҳақиқийлиги муаммосини айнан шу тил доирасида ечиш мутлақо мумкин эмаслигини мантикий исботлаш бўлди. Бироқ ҳақиқат назариясидаги бошқа муҳим муаммони – чексизликка регресс муаммосини семантик назария бартараф қилмайди, бироқ уни бирмунча бошқа шаклга келтиради.

Агар ибораларнинг объективлик тилидаги L_0 шартлари шартлари L_1 метатилда берилса, метатил ибораларнинг ҳақиқийлик шартларини аниқлаш учун L_2 метатил яратиш зарур ва ҳоказо L_3, L_4, \dots ва ш.к. метатилларни яратиш керак. Бу муаммони очишнинг турли ёндошувлари прагматизмнинг ҳақиқатнинг назариясида, Витгенштейннинг сўнгги ишларидаги тил «ўйинлари» (ёки «амалиётлари») концепцияларида берилди.

Ҳақиқатнинг прагматик концепцияси. Прагматизм фалсафасининг асосчилари Ч.Пирс ва У.Джеймс назариянинг ҳақиқийлигини унинг амалий самарадорлиги ва воқеликка мувофиқ келиши ҳам эмас, мавжуд билим системаси билан мослиги ҳам эмас, балки амалий назария натижасининг фойдалилик даражаси унинг ҳақиқийлигини билдиради. Унинг бу масаладаги маслакдош давомчилари (Х.Патнем, Р.Рорти, қисман Ю.Хабермас) ҳақиқат критерийсини кўпроқ консенсус билан боғладилар, бунда назариянинг ҳақиқийлиги уни кенг миқёсда тан олиними билан белгиланади.

Ҳақиқатнинг прагматик концепцияси шундай фикрга асосланади: бизнинг билимимиз оламнинг «образи» эмас, муайян «ҳаракат учун қоидалар»дир (Пирс), улар «воқеликка ақлий мослашиш усуллари» (Джеймс) шаклида намоён бўлади. Нима учун инсон у ёки бу ҳаракатни қилишдан аввал фикрлайди? Равшан, чунки у умуман шуни қилишга арзигуликми, агар шундай бўлса, қандай қилиш керак, деб шубҳаланади. Қила бошлаш, амалиётга ўтиш, ниҳоят шубҳанинг бартараф қилинганини, ҳаракатнинг мақсадга мувофиқлиги ўринли экани, уни амалга ошириш усули эса аниқланганини билдиради. Пирснинг айтишича: «Фикрнинг фаолияти шубҳа томонидан ўйғотилган сесканиш туфайли юзага келади ва ишончга эришилганда тўхтади. Шундай қилиб, ишончга эришиш – фикрнинг ягона вазифасидир».

Инсон бир даъвои илгари сураар экан, инсон унинг бу даъвога ишонч даражаси турлича бўлади. Хукмнинг ҳақиқийлик меъёри унинг ҳақиқийлигига субъектнинг ишониш даражаси билан белгиланади, ишонч даражаси қанча бўлса, фикрловчи киши шунча катта қониқиш ҳосил қилади. Ишонччиликка

эришиш “бу ишончнинг ҳақиқий ёки ёлғон эканлигига боғлиқ бўлмаган ҳолда бизга қониқиш бағишлайди... биз мана шу Ҳақиқат, деб ўйлайдиган ишончни излаймиз” (Пирс). Ҳақиқатнинг бизнинг ишонишларимизнинг тўғрилигига қаттиқ ишончимиздан келиб чиқадиган қаноатланиш туйғуси уни эзгуликнинг бир тури сифатида (Джеймс) аниқлашга имкон беради ва шу билан, инструментализм ғоясини ҳақиқат онтологик концепциясининг ахлоқий критерийси билан бирлаштиради. Прагматик концепциясининг келгуси тараққиёти утилитар-инструментал акцентнинг (жиҳатнинг) тобора сусайиб бориши ва консенсус мотивларининг кучайиб, одамлар орасидаги муросанинг ўрнатилиши билан боғлангандир.

Практика-ҳақиқатнинг критерисидир. Марксча билиш назарияси, умуман, Аристотель анъанаси йўлида ривожланган. Унда ҳақиқат объектив реалликнинг адекват инъикосидир, инсон сезгиларида нусхаланади, фотографияси пайдо бўлади, сезилади ва уларга боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуддир, дейилади.

Марксизм асосчилари ҳақиқат муаммосини ечишда, классик анъана тарафдорлари дуч келган қийинчиликларнинг сабаби, уларнинг назарий ва билиш фаолиятларини предметли-амалий фаолиятдан ажратганларидандир, дейдилар. Амалиётни улар фикрлаш жараёни тугагандан сўнг бошланадиган фаолият деб, предметлар дунёсига амалий акт бошлангунча шакллантирилган ва тасдиқланган натижаларни қўйилиши, деб тушунар эдилар. Соф ақлга биратўла иккита вазифа юкланган эди: у айна вақтда ҳам хукмни белгилаши ва унинг ҳақиқийлиги тўғрисида мулоҳаза қилиши лозим эди. Бунинг натижасида юқорида айтилган “чексизликка регресс” ҳодисаси рўй берарди, яъни назариянинг ҳақиқийлиги ўз навбатида ўзи ҳақиқийлиги аниқланадиган назарий қоидалар билан аниқланар ва ҳ.к. чексизликкача кетарди.

Инсоннинг фикри амалий ҳаётдан изоляцияланган ҳолда мавжуд бўлмайди. Инсон фикрлаши (тафаккури) инсоннинг фаолиятини фаол амалга ошириш, унинг структурасини, биринчи томондан, инсонинг қўйган мақсад ва

қадриятларига йўналтирилган ҳолда, иккинчи томондан, нарсаларнинг объектив аҳволига мос ҳолда қайта ташкил этишга қаратилган. Фикр реал дунё танасининг танаси (тўғрироғи, танасининг рухи)дир. Фикр дунёда юзага чиқади, у билан шартланган, унинг ўлчамлари билан “бичилган” ва шунинг учун ҳам воқеликни назарий ўзлаштиришнинг идеал меъёри вазифасини ҳамда уни амалий ўзлаштириш, қайта қуришга қабул бўлиб қолади.

Инсон яшаши, қийноқлардан, оғриқлар, очлик, виждон азобидан қутулиш учун билишга интилади. Шунинг учун билиш бирор ташқи нарсанинг (ҳодисанинг) фарқсиз қайд қилиб қўя қолишдан кўра чуқурроқ, муҳимроқ бир нарсадир. Предметга ва унинг билиш образига ҳақиқий муносабат объект структурасини онг мазмунига қайта изоморф тиклаш билан чекланмайди. Унда асосийси-предметни бизнинг мақсадларимизга имкон берадиган фаолият йўллари (усуллари) ҳақида тасаввур ҳосил қилишдир. Предмет билан у ҳақидаги фикрнинг структуравий тузилишининг ўхшашлиги эмас, ташқи реалликни ўзлаштириш учун талаб қилинадиган амалий актнинг адекватлиги фикрнинг предметга мос келишини белгилайди. Агар предмет ҳақида унинг билиш жараёнида қарор топадиган тасаввур ҳаракатини қўйилган мақсад томон йўналтирилса, ана шунда бу тасаввур предметга адекват бўлади, ҳолбуки, предмет ва тасаввур мутлақо турли табиатга эга бўлмасалар ҳам.

Объектнинг билишидаги образи ҳаракат билан боғланган, унда предметнинг фақат ўз сифатларигина эмас, инсонинг уни ўзлаштиришга (сақлашга) интилишлари ҳам акс этади. Бундай ёндошувда билиш ўзида тугалланган жараённи эмас, амалий фаолиятининг рационал асосларининг шаклланишини акс эттиради. Бу концепцияда чексизликка регресс бартараф этилади, бироқ практика критерийсининг ретроспективлиги муаммоси юзага чиқади, чунки амалиёт амалий актнинг рационал асоси бўлиб хизмат қилувчи ғоянинг ҳақиқийлигини фақат бу акт тамом бўлгандан сўнггина аниқлаб бериши мумкин.

Ҳақиқат “тил ўйинлари” амалиётида. Билишнинг классик назариялари билишнинг шундай “қаттиқ” фундаментал асосларини топиш (ёки қуриш) га ҳаракат қиладиларки, улар ўз-ўзидан ҳақиқий бўлсинлар. Витгенштейн бундай қаттиқ асосларини қидиришдан воз кечиш ва эътиборини тилнинг амалий қўлланиш қоидаларига қаратишни тавсия қилади, буни у тил ўйинлари, деб атайти. Фикрлашни тилни маъноли тарзда қўллашга, фикрни эса фикрланган гап, деб тушунишга асосланиб Витгенштейн фикрни реаллика таққослайдиган (солиштирадиган) анъанавий қарашдан фарқли ўларок, реаллик билан фикрлашни эмас, балки тилни таққослайди, бу билан фикрлашни тадқиқ қилишдан тилни қаттиқ қилишга ўтади.

Бизнинг тилимиздаги ибораларнинг ҳақиқийлиги уларнинг ана шу тилдаги бошқа иборалар билан солиштириш орқали аниқланади, бу тилнинг ҳамма вақт ҳам базис эмпирик мулоҳазалардан иборат қандайдир “корписи” бўлиб, бошқа қолган барча мулоҳазаларнинг ҳақиқийлиги улар орқали аниқланади. Улар мутлақо априор эмаслар, «тил ўйинлари»нинг ўзида тил табиатини ўрганиш жараёнида шаклланади. «Эмпирик хукмлар амалиёти қоидаларни ёдлаб ва уларнинг бошқалари билан боғланишларини ўргатади. Биз учун хукмлар бир бутунлиги ишончли бўлади. Бирор нарсага ишона бошлаб, биз гапга эмас, бутун бир гаплар системасига ишонамиз».¹ Мана шу система оламнинг базис манзарасини ташкил қилади: бу манзара унинг ташкил этувчи мулоҳазаларига айрим-айрим ишониш билан эмас, балки бир бутун ишониш йўли билан қабул қилинади. Унинг асосида формал исботлар эмас, мерос қолган тажриба ётади, биз уларга таяниб барча кейинги кунларнинг ҳақиқийлигини аниқлаймиз.

Оламнинг базис манзарасини тасниф қилувчи хукмларни ҳақиқийлигини мантиқий зарурлик ҳарактерига эга эмас, бу манзаранинг ўзи эса Витгейнштейннинг таъбирига кўра, мифология турига киради. Унинг барча қоидалари уларнинг бир-бирларини қай даражада қўллаб-қувватлашлари ва бизнинг амалий ҳаракатларимизнинг ишончлилигини таъминлашлари

¹ Л.Витгенштейн. О достоверности // Философские работы. Ч.1.М., 1994. 341-6

даражасига мос меъёра нисбатан стабилдирлар. Концептуал каркасларнинг тузилиши (курулиши) ўзгариши мумкин, бироқ улардан ҳеч бири бошқасига кўра ҳақиқийроқ қаралмайди, чунки уларнинг ҳар бири ўзига хос тил амалиётини юзага келтиради ва унга хизмат қилади, уларни бир-бирига тенглаштириб бўлмайди. Уларнинг ҳар бири айнан ўзига берилган тил ўйини қоидалари даражасидагина ҳақиқийни ёлғондан ажратиш учун асослик вазифасини бажаради. Витгенштейн дарё образини мисол келтиради. Дарёнинг сувлари қирғоқлар орасида оқади, бироқ қирғоқларни ювиб ва қумлоқлар ҳосил қилиб, ўзан конфигуляциясини ўзгартиради, шунга яраша оқим йўналиши ҳам ўзгаради нуқтада ҳам худди шундай, баъзи эмпирик гаплар «қотиб қолади» ва қотмаган оқувчан эмпирик гаплар учун «канал» бўлиб хизмат қилади, бироқ вақт ўтиши билан бу муносабатлар ўзгариши мумкин, оқувчан гаплар қотиб қолувчи аввал қотганлари қайтадан оқувчан бўлиб қолади. Шундай қилиб, ҳақиқийлик ва ёлғонни ажратиш критерийсини аниқлашда Витгейнштейн чекланмаган регрессдан ҳоли бўлади. Бундай фарқлашлар учун гарчи тил амалиётининг чекли шакллари доирасида бўлсада, янада қаттиқроқ асосларини пайқайди.

Ҳақиқатнинг классик ва ноклассик концепциялари. Ҳақиқатнинг билимни реалликка мослиги тарзида классик таърифининг шаклланиши- бу реалликнинг бир ва ягона эканлигига ишонч билан боғланган ва шунинг учун ҳақиқий билим ҳам бир ва ягона бўлиши керак, бироқ антик даврдаёқ билимни тобора абсолютга яқинлашиш концепцияси билан биргаликда муқобил концепция ҳам мавжуд эди. Бошланиши софистларга бориб тақаладиган бу концепция ҳақиқатнинг кўплик характерга эканини тан олади, бунда у бизнинг билишимиз ҳамма вақт турли конкрет ҳаётий ситуацияларда юзага келадиган амалий муаммоларнинг ечиш билан боғлиқлигидан келиб чиқади. Бироқ бу ерда айрим инсоннинг ўзининг ҳақиқий, деб тан олаётган билиш фаолияти натижалари учун масъуллиги ҳам юзага келади.

Ҳақиқатнинг «универсал-шахссиз» критериси бор эканлигини инкор этиш бизнинг билишимизнинг ҳақиқий ёки ёлғонлигини ҳеч қандай «формал-

шахссиз» процедуралари мавжуд эмаслигини билдиради. Агар шундай бўлса, инсон ўзининг назарий даъволари ва улардан келиб чиқадиган амалий қарорлар учун масъуллиқни қандайдир объектив қонунлар ёки универсал мантиқий нормаларнинг таъсирига юклай олмайди. Классик давр файласуфларини жонлантириб юборган билиш ва амалий стратегияларни ақлий танлашнинг абсолют қаттиқ асосларини топиш умиди чиппақка чиқди. Инсон масъул қарорлар қабул қилишда, вазиятни тўла қамраб ололмайдиган билимга эга бўлиб, билиш ва билмаслик чегарасида туриб яшаш ва фаолият кўрсатишга мажбур, бу дегани ҳамма вақт танлашда ҳато қилиш имконияти қолади.

Бизнинг билишимизда ҳатоликларнинг бўлишини тан олиш антик давр скептиклари кўрсатиб ўтганларидек, шуни билдирадики, инсон ҳақиқатга интилади ва унга эришиши ҳам мумкин. Бироқ у унга эришганига, унга эга бўлганига ҳеч вақт охиригача ишонмайди. Ҳеч ким бугун ҳақиқийлигига шубҳа қилмайдиган ғояларнинг амалда қарор топиши катастрофик натижаларга олиб келмайди, деб ҳеч ким қатъий кафолат бера олмайди.

Абсолют ишончлиқка эришиш инсон билишининг имтиёзи эмаслигини англаш К.Ясперс томонидан «ҳақиқат фанатизми» деб аталган ҳодисани бартараф этишга имкон берди. Бу фанатизм ҳар бир қўйилган саволга ягона қатъий ва охириги ҳақиқий жавоб беришга чекловсиз интилишни билдиради. Бундай ҳақиқатдан ҳар қандай «четга чиқиш учун ягона асос янглишиш» (ёки ёмон ният) бўлиши мумкин, унинг ўзи эса мажбурий характер касб этади. Бунда ҳақиқатга интилиш ҳукмдорлик ва ҳокимият туйғуси билан қўшилиб кетади, натижада «курашга, бузишга, азоб беришга¹ интилиш юзага келади. Бошқа томондан, ҳақиқатга интилишнинг маъносини йўққа чиқармайди, масалан. Соғ – саломатликнинг қатъий критерийсининг йўқлиги соғ бўлишига интилишни маъносизлантирмайди-ку.

Ҳақиқат ва унинг «антиподлари». Ёлғонлик муаммоси ҳам биринчи галда қараганда оддий муаммо эмас. Ёлғонни атайлаб ёмон ниятда ҳақиқатни бузиш

¹ К.Ясперс. Смысл и назначение истории. М., 1991.

ёки яшириш маъноси билан боғлайдилар. Бу маънода «Ёлғон гапирма» деган насиҳат (буйруқ) ҳар қандай ҳошишни ҳақиқат, деб рўқач қилишга ахлоқий тўсик бўлиб хизмат қилади. Шу билан бирга, Августин «қутқариш учун ёлғон»га мисоллар келтирган эди. «Мен, масалан, бир одамни ҳавф – хатардан огоҳлантирмоқчиман, у эса менга ишонмайди, ишониши учун уни алдасам бўлмайдами?» Катталар ва болалар, беморлар ва шифокорлар, судья ва судланувчи, ғолиб ва асир ва ш.к. муносабатларда шунга ўхшаш муаммолар пайдо бўлиши мумкин.

Бунда қуйидаги ҳолатларга эътибор берайлик. «соф» ҳақиқат ва «соф» ёлғонни метафизик равишда қарама – қарши қўйиш қандайдир идеалдир. Реал ҳаётда инсон ёлғоннинг кўп сонли бўлинишлари билан дуч келади: бирор сир ёки яшириқ тўғрисида жим туришдан, беркитиш, асрашдан тортиб ишларнинг объектив кетишини ўзи ҳоҳлаганча бузиб кўрсатишгача. Шу билан бирга, унинг мотивациялари ҳам у ёки бу мақсадга қараб «даражаланиши» мумкин: инсонга ёрдам бериш, уни ҳотиржам тушунмасликка қолдириш, азоб – уқубатлардан қутқариш, ёки аксинча, унга зарар келтириш, ўз эркига бўйсундириш, ўзининг ёмон манфаатлари йўлида фойдаланиш ва ш.ў.

Ҳақиқатни алдов, ёлғон ва янглишиш, хато билан муносабатини таҳлил қилиш ҳақиқатнинг фалсафий мазмунини яхши аниқлаштиришга ёрдам берди. Агар бугун ҳақиқийлик асосан адекватлик деб баҳоланса, у ҳолда унинг аниқланиши турли хил ҳатолар, ноаниқликлар ва ҳатоликлар мумкинлиги шароитларини йўқотиш билан боғлиқдир. Ҳолбуки, адашишлар ва алдов – ёлғонларни тўқишларнинг мавжудлиги ҳақиқатнинг критерийларида заиф ҳисобга олинади, чунки уларда идеал илмий бирлашмалар (ҳамкорликлар) назарда тутилади. Бироқ, ҳатто фанда янглишишлар ва адашишлар оз эмаски, уларни майли аввалдан кўзда тутилмаган ёлғон, деб баҳолаш мумкин. Уларнинг бўлиши реал онгнинг мураккаб таркиби билан боғлиқ, бу онгда илмий ҳақиқатлардан ташқари ҳар кунги анъаналар, кўникмалар, малакалар, ишончлар, ижтимоий норма ва қоидалар ҳам бор. Уларнинг кўплари, у ёки бу даражада

эскиради ва уларни бартараф этишга қаратилган танқидий рефлексиялар бўлмаганда адашишлар манбаи бўлиб қолиши мумкин.

Ҳақиқат тушунчасининг ижтимоий – маданий ўлчамлари. Ҳақиқат муаммоси муҳим дунёқараш аҳамиятига эга ва шунинг учун у тўғридаги баҳсларни фақат билиш назариясида эмас, шунингдек, фанда, сиёсатда, санъатда, дин ва ҳ.к.ларда ҳам олиб борилади. Бундай баҳсларнинг марказида одатда ҳақиқатнинг монизм ёки плюрализм масаласи туради, бу масала билан ҳақиқатнинг нисбийлиги ёки абсолютлиги, субъективлиги ёки объективлиги масалалари боғланган. Бундай тур муаммоларни ечишга икки хил ёндошув мавжуд.

Ҳақиқатни маданиятнинг устувор тушунчаларидан бири деб тушуниш ўзига эътиборни жалб қилади. «Улкан» ҳақиқат – абсолют ва барча учун ягона ҳақиқат – нафақат универсал билимни, шунингдек, универсал ахлоқ, дин, сиёсат ва бир бутун универсал ҳаётий амалиётни таъминлаган бўларди. Бироқ бундай «ҳақиқат»нинг реал функцияларини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, бундай ҳақиқат одатда «ўзи ва қилич» ёрдамида ғалаба қилади, кўпинча озод қилувчи эмас, репрессив вазифаларни бажаради, уни кўпинча фундаменталистик ва тоталитар мафкуралар ниқоб қилиб оладилар. Бутун оламда плюрализмни, фикрлар эркинлигини тан олиш анъанаси кенгайиб бораётгани яъни ҳақиқатнинг релятивлашиш (нисбийлашиши) рўй бераётгани, унинг конкрет тарихга, маданиятга, миллий, этник, ижтимоий бирликка тегишли эканлигини сезиш мумкин эканлиги ажабланарли эмас.

Ҳақиқатнинг кўплилигининг иккинчи ҳавфи бор. Универсал баҳолаш масштабларидан воз кечиш коммуникация ва тинч – тотув яшаш муаммоларини ўткирлаштириб юборади. Шунинг учун бир мураккаб масала кўндаланг бўлади: қандай қилиб фундаментализмга (илмий, диний, миллий ва б.) бош урмай тартиб ўрнатиш, инсониятнинг бир-бирини тушунишини ва ҳамжиҳатлигини таъминлаш мумкин. Ҳар ҳолда ҳақиқатни, ахлоқ, сиёсий манфаат ва синфий ёндошувни муштарак қилиб бўлмайди.

Ҳақиқатнинг қўлланиши чегараларини ўрнатиш нафақат фаннинг обрўсизланишига олиб келади, аксинча, уни ўз соҳасида янада мустақилроқ қилади ва айни вақтда унинг ижтимоий оқибатларини назорат қилишга имкон беради. Илмий ҳақиқат, эзгулик ва гўзаллик – булар бир нарса эмас, балки бир бири билан боғлиқ бўлган, бирини – бири тўлдирувчи, тўғирловчи турлиликдир. Ахлоқий ва диний муаммолар фан йўли билан ҳам, сиёсат йўли билан ҳам ечилмайди ва аксинча. Лекин бу дегани фанда ахлоқий қадриятлар бўлмайди, дегани эмас. Улар билиш ва ҳаёт йўналиш мўлжалларини кўрсатади.

Ҳақиқатни аниқлашга доир асосий ёндошувларни обзор қилиш бир қанча парадоксал ҳулосага олиб келади, гарчи ҳам ҳаётий, ҳам илмий амалиётда ҳақиқат тушунчаси фойдаланилса ҳам, аслида, уни охиригача аниқланган, деб бўлмайди. Инсониятга ҳали нафақат табиатга жамиятга ва инсонга тегишли фактлар ва қонунларни кашф қилишга тўғри келади, ундан ташқари, ҳақиқат тушунчасининг ўзига тегишли фактлар ва қонунларни ҳам очишга, яъни янги «ҳақиқат ҳақида ҳақиқатни» топишга тўғри келади. Бу ёзув столи устида эмас, одамларнинг фан, санъат, ахлоқ, бутун ҳаёт ҳақида конкрет ҳақиқатларни олишга имкон берадиган турли – туман фаолият шаклларида қарор топади. Фалсафанинг вазифаси ана шу амалиёт шаклларини фикрлаш, англаб етиш ва ҳақиқатни билиш турли ва шу билан бирга, ўзаро боғланган усуллари бугун қандай фаолият кўрсатаётганлигини таҳлил қилишдир.

БИЛИМЛАРНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ:
“Фалсафа” фанидан талабалар билимини рейтинг
тизими асосида баҳолаш мезони

“Фалсафа” фани бўйича рейтинг жадваллари, назорат тури, шакли, сони ҳамда ҳар бир назоратга ажратилган максимал балл, шунингдек, жорий ва оралик назоратларининг саралаш баллари ҳақидаги маълумотлар фан бўйича биринчи машғулотда талабаларга эълон қилинади.

Фан бўйича талабаларнинг билим савияси ва ўзлаштириш даражасининг Давлат таълим стандартларига мувофиқлигини таъминлаш учун қуйидаги назорат турлари ўтказилади:

- **жорий назорат (ЖН)** - талабанинг фан мавзулари бўйича билим ва амалий кўникма даражасини аниқлаш ва баҳолаш усули. Жорий назорат фаннинг хусусиятидан келиб чиққан ҳолда маъруза ва амалий машғулотларда оғзаки сўров, тест ўтказиш, суҳбат, назорат иши, коллеквиум, уй вазифаларини текшириш ва шу каби бошқа шаклларда ўтказилиши мумкин;
- **оралиқ назорат (ОН)** - семестр давомида ўқув дастурининг тегишли (фанларнинг бир неча мавзуларини ўз ичига олган) бўлими тугаллангандан кейин талабанинг назарий билим ва амалий кўникма даражасини аниқлаш ва баҳолаш усули. Оралиқ назорат бир семестрда икки марта ўтказилади ва шакли (ёзма, оғзаки, тест ва ҳоказо) ўқув фанига ажратилган умумий соатлар ҳажмидан келиб чиққан ҳолда белгиланади;
- **яқуний назорат (ЯН)** - семестр якунида муайян фан бўйича назарий билим ва амалий кўникмаларни талабалар томонидан ўзлаштириш даражасини баҳолаш усули. Яқуний назорат асосан таянч тушунча ва ибораларга асосланган "Ёзма иш" шаклида ўтказилади.

ОН ўтказиш жараёни кафедра мудирини томонидан тузилган комиссия иштирокида мунтазам равишда ўрганиб борилади ва уни ўтказиш тартиблари

бузилган ҳолларда **ОН** натижалари бекор қилиниши мумкин. Бундай ҳолларда **ОН** қайта ўтказилади.

Олий таълим муассасаси раҳбарининг буйруғи билан мониторинг ва ички назорат бўлими раҳбарлигида тузилган комиссия иштирокида **ЯН** ни ўтказиш жараёни мунтазам равишда ўрганиб борилади ва уни ўтказиш тартиблари бузилган ҳолларда **ЯН** натижалари бекор қилиниши мумкин. Бундай ҳолларда **ЯН** қайта ўтказилади.

Талабанинг билим савияси, кўникма ва малакаларини назорат қилишнинг рейтинг тизими асосида талабанинг фан бўйича ўзлаштириш даражаси баллар орқали ифодаланади.

Фан бўйича талабаларнинг семестр давомидаги ўзлаштириш кўрсаткичи 100 баллик тизимда баҳоланади, шундан: Я.Н.-30 балл, Ж.Н.-40 балл ва О.Н.-30 балл қилиб тақсимланади.

Балл	Баҳо	Талабаларнинг билим даражаси
86-100	Аъло	Хулоса ва қарор қабул қилиш. Ижодий фикрлай олиш. Мустақил мушоҳада юрита олиш. Олган билимларини амалда қўллаш. Моҳиятини тушунтириш. Билиш,айтиб бериш. Тасаввурга эга бўлиш
71-85	Яхши	Мустақил мушоҳада қилиш. Олган билимларини амалда қўллай олиш. Моҳиятини тушунтириш. Билиш, айтиб бериш. Тасаввурга эга бўлиш
55-70	Қониқарли	Моҳиятини тушунтириш. Билиш, айтиб бериш Тасаввурга эга бўлиш
0-54	Қониқарсиз	Аниқ тасаввурга эга бўлмаслик. Билмаслик

- Фан бўйича саралаш бали 55 баллни ташкил этади. Талабанинг саралаш баллдан паст бўлган ўзлаштириши рейтинг дафтарчасида қайд этилмайди.
- Талабаларнинг ўқув фани бўйича мустақил иши жорий, оралик ва якуний назоратлар жараёнида тегишли топшириқларни бажариши ва унга ажратилган балллардан келиб чиққан ҳолда баҳоланади.
- Талабанинг фан бўйича рейтинги қуйидагича аниқланади: $P = B * \check{U} / 100$, бу ерда: B- семестрда фанга ажратилган умумий ўқув юкламаси (соатларда); \check{U} -фан бўйича ўзлаштириш даражаси (балларда).
- Фан бўйича жорий ва оралик назоратларга ажратилган умумий баллнинг 55 фоизи саралаш балл ҳисобланиб, ушбу фоиздан кам балл тўплаган талаба якуний назоратга киритилмайди.
- Жорий **ЖН** ва оралик **ОН** турлари бўйича 55 балл ва ундан юқори баллни тўплаган талаба фанни ўзлаштирган деб ҳисобланади ва ушбу фан бўйича якуний назоратга кирмаслигига йўл қўйилади.
- Талабанинг семестр давомида фан бўйича тўплаган умумий бали ҳар бир назорат туридан белгиланган қоидаларга мувофиқ тўплаган баллари йиғиндисига тенг.
- **ОН** ва **ЯН** турлари календар тематик режага мувофиқ деканат томонидан тузилган рейтинг назорат жадваллари асосида ўтказилади. **ЯН** семестрнинг охириги 2 ҳафтаси мобайнида ўтказилади.
- **ЖН** ва **ОН** назоратларда саралаш балидан кам балл тўплаган ва узрли сабабларга кўра назоратларда қатнаша олмаган талабага қайта топшириш учун, навбатдаги шу назорат туригача, сўнгги жорий ва оралик назоратлар учун эса якуний назоратгача бўлган муддат берилади.
- Талабанинг семестрда **ЖН** ва **ОН** турлари бўйича тўплаган баллари ушбу назорат турлари умумий балининг 55 фоизидан кам бўлса ёки семестр давомида жорий, оралик ва якуний назорат турлари бўйича тўплаган баллари йиғиндиси 55 балдан кам бўлса, у академик қарздор деб ҳисобланади.
- Талаба назорат натижаларидан норози бўлса, фан бўйича назорат тури натижалари эълон қилинган вақтдан бошлаб бир кун мобайнида факультет

деканига ариза билан муурожаат этиши мумкин. Бундай ҳолда факультет деканининг тақдимномасига кўра ректор буйруғи билан 3 (уч) нафардан кам бўлмаган таркибда апелляция комиссияси ташкил этилади.

- Апелляция комиссияси талабаларнинг аризаларини кўриб чиқиб, шу куннинг ўзида хулосасини билдиради.

Баҳолашнинг ўрнатилган талаблар асосида белгиланган муддатларда ўтказилиши ҳамда расмийлаштирилиши факультет декани, кафедра мудири, ўқув-услубий бошқарма ҳамда мониторинг ва ички назорат бўлими томонидан назорат қилинади.

Талабалар билимини баҳолаш тизими:

Назорат турлари	Назорат Шакллари	Назорат шакли бўйича белгиланган максимал балл	Назоратлар сони	Ҳар бир назорат учун белгиланган максимал балл	Назорат турлари бўйича саралаш бали
Жорий баҳолаш (ЖБ)	1.Талаба фаоллиги (мавзулар бўйича оғзаки жавоб бериш, мавзулар бўйича тақдимот тайёрлаш, тестларни ечиш)	20	29	0,7 - 26 та, 0,6 - 3 та	11
	2.Уй вазифаларини бажариш(топшириқлар,масала-	10	29	0,3 - 16 та, 0,4 - 13 та	5,5

	лар, назорат саволлари)				
	Мустақил таълим	10	2	5	5,5
Жами		40		-	22
Оралиқ баҳолаш (ОБ)	1. Ёзма иш, тест ва бошқа шаклларда	30	2	15	17
Жами		30	2	15	17
Якуний баҳолаш	Ёзма иш, тест ва бошқа шаклларда	30	1	30	17
Жами		30	1	30	17
Ҳаммаси		100			55

Изоҳ: якка тартибда ва гуруҳ бўйича топшириқлар қуйидагича бўлиши мумкин: кейс-стади, тақдимот, эссе, вазиятли масалалар, вариантлар асосида савол-жавоб.

Якуний назорат “Ёзма иш” шаклида белгиланган бўлса, у ҳолда якуний назорат 30 баллик “Ёзма иш” вариантлари асосида ўтказилади.

Агар якуний назорат марказлашган тест асосида ташкил этилган бўлиб фан бўйича якуний назорат “Тест” шаклида белгиланган бўлса, у ҳолда якуний назорат қуйидаги жадвал асосида амалга оширилади:

№	Кўрсаткичлар	ЯН баллари	
		максимал балл	ўзгариш оралиғи
	Фан бўйича якуний ёзма иш назорати	30	0-30
	Фан бўйича якуний тест назорати	30	0-30

	Жами	30	0-30
--	-------------	-----------	-------------

Якуний назоратни “Ёзма иш”асосида ўтказиш

МЕЗОНИ

Талабалар фандан якуний назоратни тест топшириқлари ёки “Ёзма иш” усулида топширадилар ва уларни ўзлаштириш кўрсаткичи 0 дан 30 баллгача баҳоланади. Агар якуний назорат “Ёзма иш” усулида амалга оширилса, синов кўп вариантли усулда ўтказилади. Ҳар бир вариантда мавзулар юзасидан бештадан савол бўлиб, ҳар бир саволга тегишли жавоблар ёзилади. Ҳар бир саволга ёзилган жавоблар бўйича ўзлаштириш кўрсаткичи 0-6 балл оралиғида баҳоланади. Берилган ҳар бир саволга талаба томонидан фаннинг назарий ва услубий асослари тўғри ва тўлиқ ёритилса, фан доирасида мустақил фикрга эга бўлса ва уни ёзма шаклда баён эта олса, жавобда мантиқий яхлитликка эришилса, ўзлаштириш умумий кўрсаткичи 0-6 балл билан баҳоланади.

Берилган ҳар бир саволга жавоб ёзилмаса, нотўғри жавоб ёзилса ёки ўқув адабиётидан сўзма-сўз кўчириб ёзилса, амалий топшириқ шартида белгиланган амаллар бажарилмаса, иқтисодий ҳодиса ва жараёнларга таъсир этувчи омиллар аниқланмаса, хулоса ёзилмаса ўзлаштириш кўрсаткичи 0-1 балл билан баҳоланади. Ёзма синов бўйича умумий ўзлаштириш кўрсаткичини аниқлаш учун вариантда берилган саволларнинг ҳар бири учун ёзилган жавобларга қўйилган ўзлаштириш баллари қўшилади ва йиғинди талабанинг якуний назорат бўйича ўзлаштириш бали ҳисобланади.

Якуний назоратни “Тест топшириқлари” асосида ўтказиш

МЕЗОНИ

Агар якуний назорат “Тест топшириқлари” асосида амалга оширилса, синов кўп вариантли усулда компьютер синфларида ўтказилади. Ҳар бир вариантда 30 тадан тест топшириғи бўлиб, талабага саволларнинг жавобини

белгилаш учун 30 дақиқа вақт берилади. Ҳар бир тест топшириғига талаба томонидан берилган жавоблар 1 балл билан баҳоланади.

Фан бўйича билим, малака ва кўникмага қўйиладиган талаблар

“Фалсафа” ўқув фанини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида бакалавр:

- дунёқараш тавсифидаги билимлар тизимини эгаллаган бўлиши, гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар асосини, давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билиши; ижтимоий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қилиш қобилиятига эга бўлиши;
- фалсафа тарихини билиши; миллий ва умуминсоний қадриятлар бўйича ўз нуқтаи назарини баён этиши ҳамда илмий асослай олиши, миллий фалсафани англаган ҳолда Ватан туйғуси шаклланган бўлиши;
- табиат ва жамиятда юз бераётган жараён ва ҳодисалар ҳақида яхлит тасаввурга эга бўлиши, инсоннинг маънавий қиёфаси ҳақида билимларга эга бўлиши, улардан ҳаётда ва касбий фаолиятда замонавий илмий тадқиқотларда фойдалана олиши;
- инсоннинг инсон, жамият, атроф муҳитга бўлган муносабатини тартибга солувчи ҳуқуқий ва ахлоқий меъёрларни касбий фаолиятда жорий қилиши;
- ахборотни тўплаш, сақлаш, уларга ишлов бериш ва улардан фойдаланиш усулларини эгаллаши; ўзининг касбий фаолиятида асосли мустақил қарорлар қабул қила билиши;
- бакалавриятнинг мос йўналиши бўйича рақобатбардош умумкасбий тайёргарликка эга бўлиши;
- янги билимларни мустақил ўзлаштира олиши, такомиллаштириши ва ўз меҳнатини илмий асосда ташкил қила билиши;
- дунёнинг глобал муаммоларидан хабардор бўлиши, фундаментал глобаллашувни глобаллашувнинг бошқа жиҳатларидан фарқлай олиши, хусусий, миллий, минтақавий муаммоларни ўрганиши, ижтимоий жараёнларни прогнозлаштира олиши керак.

“Фалсафада ҳақиқат муаммоси” мавзусидан кейслар

Қўшимча ва тушунтирувчи матнлар

Кейс

Ечиш талаб этиладиган муаммони ўз ичига олган реал вазият тавсифи

Келгусида янада муфассал тадқиқотларни ўтказиш учун материал

Муайян нуқтаи назардан баён этиладиган, тингловчилар томонидан муҳокама қилиниши ва ечилиши лозим бўлган вазият

Кейслардан фойдаланиш методи

Индивидуал

Гуруҳларда


Жамоавий

Аудиторияда

Кейсни муҳокама қилиш

кейс мазмуни билан индивидуал танишув

кичик гуруҳларда муҳокама қилиш



«Кейс» методи билан дарс бериш принципиал схемаси.

Процедуралар	Иш шакли
Муайян муаммоли вазият билан таништириш	кейс матни билан индивидуал танишув
Талабалар муаммоларни мустақил белгилашлари ва уларни ечиш йўллари излашларини рағбатлантириш	<p>кичик гуруҳларда ишлаш</p> <ul style="list-style-type: none"> • ўқитувчининг йўл кўрсатувчи саволлари (Сократ методи) гуруҳда умумий мунозара <p>дебат методи, кейснинг ёзма таҳлили</p>

Талабаларни ҳозирги замон фани таклиф қилаётган ёндашувлар, концепциялар ва ечимлар билан таништириш	маъруза • умумий мунозара пайтида ва у тугаганидан сўнг ўқитувчининг ремаркалари ва маслаҳатлари
--	---

«Кейс» методи қуйидаги имкониятларни яратади:

- муаммони кўриш ва англаб етиш
- муаммоларни ечиш амалий кўникмаларини ривожлантириш
- ахборотни саралаш кўникмаларини шакллантириш
- ахборотнинг турли қисмлари ўртасидаги ўзаро алоқани кузатиш кўникмаларини ҳосил қилиш
- вазият билан боғлиқ муқобил ёндашувларни ўрганиш, бошқаларнинг фикрлари билан танишиш, ўз коммуникацион кўникмаларини ривожлантириш.

«Кейс» методи:

- танқидий фикрлаш қобилиятини ривожлантиради
- масалани ечишга ҳолисона ёндашишни ўргатади
- назария билан мустаҳкамланган тажрибани ўзлаштириш имконини беради
- вазиятга нисбатан янгича кўз қарашни шакллантиришга ёрдам беради
- вазиятга таъсир кўрсатаётган омилларни аниқлаш ва ҳисобга олиш имконини беради
- бировнинг фикрига қулоқ солишни ўргатади
- саволлар бериш маҳоратини шакллантиради
- интуицияни ривожлантиришга кўмаклашади
- таҳлилий қобилиятларни ривожлантиради
- ҳаракат қилишни ва қабул қилинган қарор учун жавобгарликни ўз зиммасига олишни ўргатади

Кейслардан фойдаланиш методлари:

- *индивидуал тақдимотлар*
- *жамоавий тақдимотлар*
- *гуруҳларда муҳокама ва сўнгра аудиторияда мунозара*

Кейсни гуруҳда муҳокама қилишни ташкил этиш

Гуруҳни кичик гуруҳларга ажратишдан олдин ўқитувчи ўзига бир нечта саволлар бериши керак. Чунончи:

1. Гуруҳларни ажратишни қайси принципга мувофиқ амалга ошириш керак?

2. Муҳокама учун неча кишидан иборат гуруҳ оптимал бўлади?

Биринчи саволга жавоб бериш учун ўқитувчи талабаларнинг индивидуал психологик хусусиятларини яхши билиши керак. Агар у буни билмаса (мазкур аудитория билан биринчи марта ишлаётган бўлса), муайян психологик тестлар ёрдамида талабаларнинг керакли хусусиятларини аниқлаши мумкин. Ўқитувчига кичик гуруҳларни шакллантиришга ёрдам берувчи энг содда тестни 10–15 минут мобайнида ўтказиш мумкин. Талабаларга қуйидаги уч саволга алоҳида қоғоз варақларида, аноним тарзда жавоб беришни таклиф қилиш зарур:

1. Ўқиш юзасидан маслаҳат сўраб гуруҳ аъзоларидан кимга мурожаат этган бўлардим (2 фамилияни ёзинг).

2. Оғир сафарга гуруҳ аъзоларидан ким билан бирга чиққан бўлардим (2 фамилияни ёзинг).

3. Бўш вақтни гуруҳ аъзоларидан ким билан бирга ўтказган бўлардим (2 фамилияни ёзинг).

Бу саволларга жавобларни таҳлил қилгандан ва муайян талабаларга берилган овозларни ҳисоблагандан сўнг ўқитувчи ўқишда лидерларни, мушкул вазиятдан чиқишда лидерларни, шунингдек гуруҳда обрўга эга «ноформал лидерлар»ни аниқлайди.

Талабаларни кичик гуруҳларга шундай тақсимлаш керакки, кичик гуруҳдан лидерларнинг юқорида зикр этилган гуруҳларидан биттадан вакил ўрин олсин.

Қолган талабаларни (биринчи марта) гуруҳларга тақсимлашни эркин амалга ошириш мумкин.

Сўров натижалари ошкор қилинмаслиги мумкин. Ўқитувчи гуруҳларни мустақил равишда шакллантиради ва фақат ҳар бир гуруҳ аъзолари рўйхатини ўқиб эшиттиради.

Иккинчи саволга жавоб беришда ўқитувчи барча талабаларни ишга жалб қилиш учун гуруҳ 4–6 кишидан таркиб топиши лозимлигидан келиб чиқиши керак. Бироқ қоидадан истисно ҳолатлар ҳам мавжуд бўлиб, улар кейсинг катталиги ёки оғирлик даражаси билан белгиланади. Бундай ҳолларда ўқитувчи гуруҳларнинг сон таркибини аниқ белгилайди.

Кичик гуруҳларда муҳокама – у нима беради?

Бу методдан фойдаланиш:

- Талабаларга ўз ғояларини баён этиш имконини беради
- Муаммоларни ечиш кўникмаларини оширади
- Талабаларга бир-биридан ўрганиш имконини беради
- Таълим жараёнига ўта масъулият билан ёндашишни ўргатади
- Жамоа бўлиб ишлаш кўникмаларини шакллантиради
- Шахснинг қимматини аниқлашга ёрдам беради

Афзалликлари

- Талабалар ўз таълим жараёнини назорат қилишлари учун кенг имконият яратади
- Ҳар бир талабанинг иштироки рағбатлантирилади
- Талабаларнинг ўқитувчига қарамлик даражаси пасаяди
- Вазиятни ўзлаштириш ва тушунишни баҳс-мунозара воситасида кучайтириш имконини беради

Кичик гуруҳларда муҳокамага киришишдан олдин Сиз қуйидагиларни билишингиз керак

- Гуруҳ мунозарага қанча вақт ажратилганини билиши лозим

- Талабалар, ҳатто улар бошқаларнинг фикрига қўшилмасалар ҳам, бир-бирларини тинглашни ўрганишлари керак
- Мунозарада устунлик бир ёки икки киши томонида бўлмаслиги керак
- Саволлар мунозарага йўл кўрсатишга ёрдам беради

Кейслар билан ишлаш тартиби

- *Асосий муаммони аниқлаш*
- *Асосий муаммога турли омиллар қай даражада таъсир кўрсатишини аниқлаш*
- *Асосий ва иккинчи даражали омилларни ажратиш*
- *Муаммони ечилишнинг муқобил йўллари кўриб чиқиш*
- *Оптималь ечимни танлаш*

Кейсни кичик гуруҳларда муҳокама қилишдан ташқари, уни ҳар бир талабага мустақил англаб етиш учун бериш мумкин. Талабанинг ёзма иши кейс саволларига жавоб бериш натижаси бўлиши мумкин.

Кейсни ёзма таҳлил қилиш ҳозирча фақат ақлда мавжуд бўлган ғояларни қоғозда аниқ акс эттиришни ўргатади, танқидий фикрлаш қобилиятини ривожлантиради, билимларни чуқурлаштиради, ўз нуқтаи назари, ёзиш услубини топишга ёрдам беради, мутолаа қилиш кўникмаларини ривожлантиради, яъни талабалар «ёзувчилар каби ўқиш»ни ўрганадилар ва қўйилган мақсадга эришиш учун матнни қандай тузиш кераклигини яхшироқ тушуна бошлайдилар.

Кейснинг ёзма таҳлилни тайёрлаш

Вақт улуши	%
Кейсни биринчи ўқиш ва мустақил таҳлил қилиш	20
Омилларни таҳлил қилиш учун гуруҳда биринчи учрашув	11
Кейсни иккинчи ўқиш ва биринчи ҳисоботни тузиш (қоралама)	20
Гуруҳнинг аниқлик киритувчи иккинчи учрашуви	11

Ёзма таҳлил бўйича тўлиқ ҳисоботни ёзиш, энг муҳим
жиҳатларни акс эттирувчи конспектни тайёрлаш 27

Матнни текшириш ва хатоларни тузатиш, матнга тегишли
тузатишлар киритиш ва уни маромига етказиш 11

Фалсафадан дарсларда талабалар кейс методи ёрдамида ахборотни идрок этиш даражасидан уни тушуниб етиш даражасига, сўнгра Блум таксономиясида тавсифи келтирилган қолган даражаларга ўтади. Афсуски, маъруза ва семинар машғулотларини ўтказишнинг одатдаги шакллари ёрдамидагина таълим олувчи талабалар билиш ва тушуниш даражасидан нари ўтмайдилар. «Кейс-стади» методи эса вазиятга бевосита кириш, уни «бошдан кечириш» имконини беради. Матн охирида педагог томонидан моҳирона тузилган саволлар таълим олувчи таксономиянинг олти даражасидан тўлиқ ўтиши учун талабаларни жавобларни излашга рағбатлантириши лозим.

Блум таксономияси бўйича билишнинг олти даражаси

Билимлар	Фактларни излаш, эслаш олиш (тавсифлаш, аниқлаш, тиклаш, айтиш, тадқиқ этиш, кўрсатиш)
Тушуниш	Гапириб бериш, шарҳлаш, тушунтириш, тавсиф бериш
Амалда қўллаш	Бошқа (янги) шароитларда фойдаланиш (ишга солиш, ечиш, эксперимент ўтказиш, башорат қилиш)
Таҳлил қилиш	Муносабатларни ёритиш – материални таркибий қисмларга ажратиш, тизимлаштириш (алоқаларни топиш, боғлаш, ажратиш, таснифлаш, гуруҳлаш, тизимга солиш, категорияни аниқлаш)

Синтез қилиш	қисмлардан янги яхлитликни яратиш (тузиш, бирлаштириш, таърифлаш, жамлаш, гипотезаларни илгари суриш)
Баҳолаш	Ечиш (баҳолаш, асослаш, далиллар келтириш, категорияни аниқлаш)

Семинар машғулоти режаси:

1. **Бир нечта кейсни талабалар билан мустақил муҳокама қилиш.**
2. **Кейсларни ёзиш қоидалари.**
3. **Талабаларнинг билимларини «кейс» методи ёрдамида баҳолаш мезонлари.**

«Кейс» методи керакми ёки керак эмасми?

- Бу қанақа маъруза бўлди?! Талабалар сиздан кўп гапирса! Структура деган нарсанинг ўзи йўқ, режани эса умуман унутибсиз!

Ўз ёш ҳамкасбининг дарсини кириб кўрган кекса тажрибали ўқитувчи – Саттор Маҳмудович ярим соатдан бери ҳовиридан тушолмасди. Меҳнат фахрийсининг педагогик стажи ўттиз йилдан ошган ва у университетда дарс бериш методикаси бўйича эксперт вазифасини бажаради. Саттор Маҳмудович ҳар куни кўп сонли ҳамкасбларидан бирининг дарсини кириб кўради ва унга танқидий баҳо беради, йўл-йўриқлар кўрсатади. Шу кун у сиёсатшунослик кафедрасининг ёш ўқитувчиси Ботирнинг дарсига кирди. Ботир ўтган ёз «кейс» методи бўйича тренингдан ўтган ва янги семестрда ўзининг талабалар билан ишлаш методикасини бутунлай ўзгартирган эди. Бу мўйсафид экспертнинг қаҳр-ғазабига сабаб бўлди.

- Сиз, ёшлар, нима учун доим велосипед ихтиро қилишга уринасизлар?! Ахир дарс беришнинг асрлар синовидан ўтган шакллари – маъруза ва семинар бор-ку. Маъруза – маърузага, семинар эса – семинарга ўхшаган бўлиши керак-да. Маърузада билим бериш, семинарда эса талабалар олган билимни аниқлаш керак. Аспирантурада сизга буни ўргатишмаганми?!

- Бироқ янги метод самаралироқ-да...- деб эътироз учун оғиз очди Ботир.

- Анъаналар ва тажрибага беҳурматлик қилмаслик керак, - дея унинг гапини бўлди эксперт. – Биз умр бўйи шундай дарс берганмиз ва шўро таълим тизими дунёдаги энг яхши таълим тизимларидан бири бўлган! Ундан кейин... ишчи дастур, иш режаси бор-ку! – Саттор Маҳмудович папкадан ишчи дастурни олди ва қаншарига улкан кўзойнакни қўндирди. – Режага мувофиқ сиз бугун маърузанинг беш масаласини ёритишингиз керак эди! Сиз бўлсангиз дарс мобайнида фақат талабаларнинг баҳс-мунозараларини тингладингиз, мунозара жараёнига ора-сира аралашиб турдингиз!

- Ахир ўқув адабиётларини улар ўзлари ўқиб олишлари мумкин-ку. Бу ерда энг муҳими уларда мустақил ўқиб-ўрганишга қизиқиш уйғотиш, бунга уларни рағбатлантириш. «Кейс» методи бу вазифани бажаришнинг энг яхши усули! – деб хаёлидан ўтказди Ботир, лекин қарияга эътироз билдириб ўтирмади.

Эксперт жиғибийрон бўлишда давом этди, ёш новатор эса юзини қўлига тираб ўтириб ўйлар эди: «Бошимни оғритиб нима қилардим? Ойига атиги ўн беш минг тўлашса... Ҳамкасбларим ғояларимни тушунишмаса, боз устига, Саттор Маҳмудовичдан ҳам гап эшитдим! Ҳамма қатори ишлаганим яхши эмасми?»

Кейсга саволлар.

1. Бу кейс нима ҳақида?
2. У факультетингиздаги вазиятни акс эттирадими?
3. Ўқитувчининг талаблари қандай? (Таърифланг).
4. Талабаларнинг талаблари қандай? (Таърифланг).
5. Ўзингизни ўқитувчининг ўрнига қўйиб кўринг. Сизнинг ҳаракатларингиз?
6. Бу вазиятдан чиқиш учун сиз нима таклиф қилган бўлардингиз?
7. Семинар машғулотларини ўтказишнинг қайси шакллари иккала тарафнинг талабларини ҳисобга олиш имконини беради?

Бу кейсни талабалар муҳокамасига киритиш мумкин. Бунинг учун муҳокама қилиш талаб этиладиган баҳсли масалаларни олдиндан тайёрлаш зарур. Бу

кейслар ўз мазмунига кўра фалсафадан дарс бериш методикаси бўйича машғулотларга мос келади, бироқ уларни бошқа фанлардан ҳам олдиндан тайёрлаш мумкин. Масалан, «Фалсафий антропология» фанидан дарсларда экзистенциалист-файласуфлар – А.Камю, Ж.П.Сартр ва бошқаларнинг асарларидан парчалар бериш, инсон ҳаётининг мазмуни, ҳаёт ва мамот масалаларига доир фикр-мулоҳазаларни келтириш мумкин.

Кейслар сифатида газета ва журналларда эълон қилинган мақолалар, фалсафий ва мафкуравий муаммоларга бағишланган бадиий ҳикоялар хизмат қилиши мумкин. Бу ерда дарс мавзусига таянган ҳолда уларни тўғри танлаб олиш ва мазкур мавзуга оид масалаларни муҳокама қилиш муҳимдир. Бу анча оғир иш бўлиб, ўқитувчидан катта маҳорат талаб қилади, чунки матнни муҳокама қилиш жараёнида талабаларнинг қизиқиши улар учун қизиқарлироқ бўлган, бироқ жорий мавзунини ҳисобга олмайдиган бошқа муаммога ўтиб кетиши мумкин.

Назорат топшириқлари (ЖН,ОН,ЯНлар бўйича саволлар ва тестлар).

1. Ҳақиқат нима? Фалсафада ҳақиқатнинг қандай концепциялари мавжуд?
2. Мутлақ ва нисбий ҳақиқатнинг ўзаро нисбати ҳақида гапириб беринг.
3. Ҳақиқатнинг қандай мезонлари бор?
4. Ёлғон, дезинформация, янглишиш нима?
5. Ҳақиқатни аниқлашда эмоциялар қандай рол ўйнайди?
6. Фалсафа тарихида ҳақиқатга муносабат.
7. Ҳақиқатнинг фалсафий асослари.
8. Ҳақиқатнинг асосий шакллари.
9. Объектив, мутлақ ва нисбий ҳақиқат.
10. Ҳақиқатнинг корреспондент, когерент ва назарий концепцияси.
11. Исботлаш ва рад этиш.
12. Ҳақиқатни англашда эмоция, идеал, ирода, ишонч ва шубҳанинг роли.
13. Верификация тамойили.
14. Ҳақиқат ва янглишиш, ёлғон ва дезинформация (ёлғон ахборот).
15. Ҳақиқатни амалий текширишнинг йўллари.

16. Амалиёт ҳақиқат мезони.

17. Ҳақиқатнинг зиддиятли характери. Ҳақиқатни баҳолаш мезонлари.

Мустақил ишлаш учун савол ва топшириқлар

1. Нильс Бор нафақат буюк физик олим, балки ажойиб файласуф ҳам бўлган, у дўстлари билан суҳбатда “ҳақиқатнинг буюклиги унга қарама қарши ҳақиқатнинг ҳам буюклигидир” деб таъкидлаган. Бу чуқур пурмаъно фикрнинг моҳиятини аниқланг. У нимани англатади?
2. Абсолют ғоя ва Худо ўртасида ўхшашлик ва фарқ бор. Улар нимада намоён бўлади?
3. Сув париси, кентаврлар, аждарҳоларнинг образлари ва шу кабилар воқеликда мавжуд нарса ва ҳодисаларнинг элементларини эслатади. Ҳар қандай технологик кашфиёт, табиатни ўрганиш оқибатида эришилган тадқиқот натижаларига таянади. Фантаст рассомлар ўзга сайёралардаги ҳаётни тасвирлар экан, ердаги нарсаларни акс эттиришга ҳаракат қиладилар. Ҳаттоки Худони ҳам одамлар ўз образига ўхшатишга ҳаракат қиладилар. Бизни қуршаб турган оламда мавжуд нарсаларни эслатмайдиган, уларга ўхшамайдиган ниманидир ихтиро қилишга ҳаракат қилинг.
4. Умумэътироф қилинган нарсани ҳақиқат деб қабул қилиш мумкинми?
5. Билим ҳақиқийлигини овоз бериш йўли билан аниқлаш мумкинми? Кўпчилик ишонадиган бирор назария, фалсафий таълимот, диний қараш ҳақиқатнинг мезони бўла оладими?
6. Сиз ҳақиқатнинг мезони билим олиб келадиган фойда деб эътироф қилувчи прагматистларнинг фикрини қўллаб қувватлайсизми?
7. Ҳақиқатнинг объективлигини инкор қилиш агностицизмга олиб келадими? Асосланг.
8. Ҳар қандай илмий муаммонинг ечимини топиш олимлар жамоасининг ушбу ечимни яқдиллик билан қабул қилиши билан боғлиқ. Агар олимлар у ёки бу

далилнинг билим ҳақиқийлигини асослаш учун етарли деб ҳисоблашса, унда у илмий далил бўла олади. Сиз билим ҳақиқийлигига асос бўлувчи ушбу назарияга қўшиласизми?, фикрингизни асосланг.

Реферат мавзулари

1. Шарқ Фалсафасида ҳақиқат масаласи
2. Ғарб мутафаккирлари ижодида ҳақиқат масаласи
3. Ҳақиқатни билишда ёлғоннинг роли
4. Гегел ижодида ҳақиқат масаласи
5. Беруний ҳақиқат ҳақида

МАВЗУ БЎЙИЧА Т Е С Т Л А Р

Билим ва кўникмаларни баҳолаш мезонлари

1 Ҳақиқатни ғоялар дунёсига мос келувчи ғайритабiiй идеал моҳият сифатида тушунган файласуф номини аниқланг?

- А) Платон
- Б) Гегель
- С) Фома Аквинский
- Д) Ницше

2. “Ҳақиқат бу Аллохни англаш” деган фикрни илгари сурган Шарқ файласуфининг номини топинг.

- А) Нақшбандий
- Б) Абу Бакр Аз-Заккок
- С) А. Яссавий
- Д) Ал-Бухорий

3. “Инстинкт – интуициянинг бир тури” деган фикрни илгари сурган файласуф ким?

- А) Бергсон

- Б) Гегель
- С) Шопенгауэр
- Д) Кант

4. Қандай ҳақиқат тўғри, бироқ нотўлиқ, тахминий, вақт ва жойнинг маълум тарихий шарт-шароитлари билан чекланади?

- А) Нисбий ҳақиқат
- Б) Мутлақ ҳақиқат
- С) Субъектив ҳақиқат
- Д) Объектив ҳақиқат

5. Қандай ҳақиқат билиш тараққиёти жараёнида ривожланиб, ўз чегараси бўлган мутлақ ҳақиқатга яқинлашади?

- А) Нисбий ҳақиқат
- Б) Субъектив ҳақиқат
- С) Объектив ҳақиқат
- Д) Тўғри жавоб А ва В

6. Ҳақиқатнинг қандай концепцияси назариянинг тажрибада олинган маълумотларга мувофиқ бўлишини талаб қилади?

- А) Ҳақиқатнинг корреспондент концепцияси
- Б) Ҳақиқатнинг прагматик концепцияси
- С) Ҳақиқатнинг когерент концепцияси
- Д) Тўғри жавоб йўқ

7. Ҳақиқатнинг когерент концепциясининг мазмуни нимадан иборат?

- А) Назария экспериментига мувофиқ бўлиши, унга зид келмаслиги, унинг натижаларини башорат қилиш имконини бериши лозим.
- Б) Назария тажрибада олинган маълумотларга мувофиқ бўлиши лозим.

- С) Амалиёт мезони тўғридан-тўғри эксперимент тушунчаси билан бўлади.
Д) Барча жавоб тўғри

8. Илмий тафаккурнинг муҳим воситаси нима?

- А) Исботлаш
Б) Рад этиш
С) Таърифлаш
Д) Шубҳа

9. Ҳақиқатлиги ёки сохталиги исботлаш йўли билан аниқланаётган қоида қандай бўлади?

- А) Тезис
Б) Аксиома
С) Парадокс
Д) Антитезис

10. Номаълумни маълумга, мураккабни соддага боғлаш нима деб аталади?

- А) Таърифлаш
Б) Исботлаш
С) Асослаш
Д) Тезис

11. “Асослар ва улардан чиқарилган хулосаларининг алоқаси, агар у исботланаётган тезиснинг ҳақиқийлиги тан олиншига олиб келган бўлса, исботлаш усули деб аталади” деган фикрни ким илгари сурган?

- А) В.Ф. Асмус
Б) Фихте
С) Кант
Д) Бердяев

12. Ходисалар ва ҳолатлар аҳамиятини бевосита ҳис этиш қандай номланади?

- А) Эмоция
- Б) Ишонч
- С) Асос
- Д) Шубҳа

13. Кант ва Фихтенинг фикрича, ахлоқий тамойилларни рўёбга чиқариш манбаи ва инсон амалий фаолиятининг негизи нима?

- А) Ирода
- Б) Идеал
- С) Ишонч
- Д) Эмоция

14. “Эътиқоднинг исботи унинг ўзида” деган фикр муаллифини топинг?

- А) Карл Барт
- Б) Карл Ясперс
- С) Асмус
- Д) Бергсон

15. Илмий методнинг негизини қандай анъанавий—маънавий қадриятлар ташкил этади?

- А) Обьективлик ва оқилоналик
- Б) Субьективлик ва тараққийпарварлик
- С) Субьективлик ва ҳақиқатпарварлик
- Д) Барча жавоб тўғри

16. Ким “Ўзгармас нарсаларгина ҳақиқийдир, ҳақиқат борлиқнинг олий шаклидир” деган фикрни илгари сурган антик файласуфни топинг?

- А) Аристотель
- Б) Платон
- С) Эпикур
- Д) Сукрот

17. Верификация тамойилига биноан...?

- А) Дунё ҳақидаги ҳар қандай фикрнинг ҳақиқийлиги пировард натижада уни сезги аъзолари орқали олинган маълумотларга таққослаш йўли билан аниқлаш лозим.
- Б) Амалда синаш ва рад этиш мумкин бўлган назариялар илмий ҳисобланади.
- С) Дунё шу даражада чексиз, инсон ўз тафаккури билан уни қамраб олишга қодир эмас.
- Д) Дунёни сезги аъзолари орқали англаб бўлмайди.

18. Назарий тизимларнинг фальсификацияланиш мезони ким томонидан таклиф қилинган?

- А) Карл Поппер
- Б) Карл Ясперс
- С) Карл Борт
- Д) Бергсон

19. Қайси омиллар инсоннинг сезгилар дунёсини мутлақо субъектив деб кўрсатдилар ва шу йўл билан инсоннинг сезги аъзоларига ишончсизлик билдирдилар?

- А) Юм, Беркли
- Б) Кант, Фихте
- С) Спиноза, Декарт

Д) Дедро, Руссо

20. Билиш назариясидаги ягона билиш жараёнининг икки қарама- қарши, лекин бир-бири билан узвий боғлиқ асосий категорияларини кўрсатинг?

А) Ҳақиқат ва янглишиш

Б) Яхшилик ва ёмонлик

С) Ҳақиқат ва ёлғон

Д) Ишонч ва шубҳа

21. Ўз предмети билан муштарак бўлмаган, унга мос келмайдиган билим бу– ?

А) Янглиш

Б) Шубҳа

С) Идеал

Д) Ёлғон

22. Қуйида кўрсатилган файласуфлардан қайси бири янглишишни “тафаккур бутлари” деб атаган?

А) Бэкон

Б) Декарт

С) Беркли

Д) Спиноза

23. Борлиққа нисбатан конструктив- танқидий ёндошув, яъни “синовлар ва хатолар” методини ким яратган?

А) Карл Поппер

Б) Асмус

С) Карл Ясперс

Д) Беркли

24. Ғоянинг фойдалилиги, амалий самарадорлиги ва ишга яроқлилиги, унинг у ёки бу мақсадга эришиш учун фойдалилиги мезони қандай номланади?

- А) Прагматизм
- Б) Конвенционализм
- С) Фальсификация
- Д) Верификация

25. Одатда нотўғрилиги аён бўлган тасаввурларни била туриб ҳақиқат даражасига кўтариш сифатида тушуниш?

- А) Ёлғон
- Б) Ҳақиқат
- С) Шубҳа
- Д) Ишонч

26. Билимнинг мутлақ қадрияти – ?

- А) Ҳақиқат
- Б) Шубҳа
- С) Ишонч
- Д) Идеал

27. Инсоният тараққиётининг асосий негизи нима?

- А) Идеал
- Б) Ирода
- С) Ишонч
- Д) Ҳақиқат

28. Қайси файласуфлар “Ирода – борлиқнинг иррационал импульси” деган фикрни илгари сурганлар?

- А) Шопенгауэр ва Ницше
- Б) Шопенгауэр ва Бергсон
- С) Юм ва Беркли
- Д) Декарт ва Спиноза

29. Қуйида кўрсатилган фикрларнинг қайси бири Гегельга тегишли эканини аниқланг?

- А) Ҳақиқат ўзининг мавҳум кўринишида муайян мазмуннинг ўзига мувофиқлигини англатади.
- Б) Ҳақиқат билимнинг воқеликка мувофиқлигидир.
- С) Ҳақиқат – мулоҳазалар ва амалдаги ҳолат ўртасидаги мувофиқликдир.
- Д) Ҳақиқат ёлғон нарсалардан эмас, балки ақлда мавжуд бўлади, ҳар бир нарса ўзи боғлиқ бўлган ақлга муносабати даражасидагина ҳақиқий.

30. Шопенгауэрнинг интуицияга асосланган илмий изланишини ким давом эттирди?

- А) Бергсон
- Б) Асмус
- С) К. Поппер
- Д) Кант

31. Ҳақиқат – мулоҳазалар ва амалдаги ҳолат ўртасидаги мувофиқликдир, дея ҳақиқатга таъриф берган файласуф ким?

- А) Аристотель
- Б) Платон
- С) Сукрот
- Д) Демокрит

32. Ҳақиқатни тушунишда интуитивизмга асос солган файласуф ким?

- А) Шопенгауэр
- Б) Кант
- С) Фихте
- Д) Ницше

33. Ҳақиқатнинг қандай шаклига шундай таъриф берилади: ...- билимларимизнинг инсон инсониятга боғлиқ бўлмаган мазмуни.?

- А) Объектив ҳақиқат
- Б) Субъектив ҳақиқат
- С) Мутлақ ҳақиқат
- Д) Нисбий ҳақиқат

34. Предметни келажакда тўлдирилиши ёки унга аниқлик киритилиши мумкин бўлмаган тарзда тўла, мукамал билиши бу - ...

- А) Мутлақ ҳақиқатдир
- Б) Нисбий ҳақиқатдир
- С) Объектив ҳақиқатдир
- Д) Субъектив ҳақиқатдир

35. Борлиқни асосан тўғри акс эттирса-да, образ объектга унча мос эмаслиги билан ажралиб турадиган билим, бу - ...

- А) Нисбий ҳақиқат
- Б) Объектив ҳақиқат
- С) Субъектив ҳақиқат
- Д) Мутлақ ҳақиқат

36. “Авесто”да ҳақиқат ҳақида нима дейилади?

- А) Олий шарофатдир
- Б) Ҳақиқат мутлақ мезондир
- С) Ҳар қандай тушунчадир
- Д) Барча жавоблар тўғри

37. Ижобий эмоцияларга нималар киради?

- А) Лаззатланиш, қувонч, ҳайрат, муҳаббат
- Б) Нафрат, қувонч, ҳайиқиш
- С) Лаззатланиш, кўрқув, қайғу
- Д) Тўғри жавоб йўқ

38. Салбий эмоцияларга нималар киради?

- А) Нафрат, кўрқув, ҳайиқиш, қайғу
- Б) Лаззатланиш, қувонч, ҳайрат, муҳаббат
- С) Нафрат, қувонч, ҳайиқиш
- Д) Лаззатланиш, кўрқув, қайғу

39. Ўз предмети билан муштарак бўлмаган, унга мос келмайдиган билим бу...?

- А) Янглишиш
- Б) Тўғри
- С) Келишиш
- Д) Мос келиш


40. Ҳақиқат концепциялари нечта?



- А) 3
- Б) 5
- С) 6
- Д) 4



“Фалсафада ҳақиқат муаммоси” мавзуси юзасидан тақдимот.

ФАЛСАФАДА ҲАҚИҚАТ МУАММОСИ

1







Фаннинг у ёки бу қоидасининг ҳақиқийлиги ёки сохталиги, аниқ-равшан кўришиб турмайди. Фақат энг содда мулоҳазалар ўзининг ҳақиқийлигини тасдиқлаш учун сезги идрокидангина фойдаланишни талаб қилади: кўрсатиш мумкин бўлган нарсани исботлашнинг ҳожати йўқ.

Фаннинг аксарият қоидалари сезги аъзолари орқали билиш даражасида ва бошқа ҳақиқатлардан алоҳида эмас, балки мантиқий тафаккур даражасида, бошқа ҳақиқатларга боғланган ҳолда, яъни исботлаш йўли билан ҳақиқий деб қабул қилинади. Исботлаш – илмий тафаккурнинг муҳим воситаси.

Ҳар қандай исботда тезис, исботлаш учун асослар (далиллар) ва исботлаш усули мавжуд. Ҳақиқийлиги ёки сохталиги исботлаш йўли билан аниқланаётган қоида тезис деб аталади. Тезиснинг сохталигини аниқлаш рад этиш деб аталади. Исботлашда фойдаланилаётган ва исботланаётган тезиснинг ҳақиқийлигини кўрсатаётган барча қоидалар асослар ёки далиллар деб аталади. Асослар ва далиллар ишончли далиллар ҳақидаги қоидалар, таърифлар, аксиомалар ва илгари исботланган қоидалардан ташкил топади.

Қоиданинг ҳақиқийлигини исботлаш у яхши текширилган далиллар ҳақидаги қоидалардан бевоқифа келиб чиқишини кўрсатиш демакдир. Бироқ ҳаёт шу даражада мураккабки, амалда жуда кўп, ҳатто ақлга мутлақо зид қоидаларни тасдиқлаш учун ҳам айрим далиллар тўплаш мумкин. Бунда айни шу қоидаларни рад этувчи далиллар ҳам мавжудлиги бир-биридан ва атроф муҳитдан ажратиб олинган айрим далиллар ўзича ҳеч нарсани исботламаслигидан далолат беради.



Далиллар ҳақидаги фикрлар ўзаро боғлиқ ҳолда қаралган тақдирдагина исботлаш учун асос бўлиш мумкин. Исботлаш учун асослар жумласига мазкур фан асосий тушунчаларининг таърифлари киради. Бу мазкур фаннинг барча тушунчалари таърифланиши лозим деган маънони англатмайди. Таърифлаш – номаълумни маълумга, мураккабни соддага боғлаш демак.

Исботланаётган тезис таянадиган исботлаш учун асослар қаторига фаннинг асосий тушунчалари таърифлари ва аксиомалардан ташқари тезисни асослаш учун зарур бўлган фаннинг илгари исботланган қоидалари ҳам киради. Фан ўз қоидаларининг далил-исботларини қанча кўп ривожлантирса, ҳар бир янги қоидани исботлаш учун олдинги асослар сони шунча кўпаяди.

ЭМОЦИЯЛАР–Ҳодисалар ва ҳолатлар аҳамиятини бевоқифа ҳис этиш деб аталади.

Ижобий эмоциялар –
лаззатланиш, қувонч,
хайрат,
муҳаббат ва ш.к.

Салбий эмоциялар –
қўрқув, ҳайқиш,
нафрат, қайғу ва ш.к.



Билишнинг маънавий қадриятлари.

11

Ҳар қандай илмий тадқиқотда маънавий қадриятлар ва меъёрлар мавжуддир. Илмий метод негизини объективлик ва оқилоналик каби анъанавий маънавий қадриятлар ташкил этиши лозим. Объективлик олим тадқиқот меъёрларини танлашга нисбатан виждонан ёндашиши, шахсий манфаатдорликни сиқиб чиқариши, ҳақиқатни гуруҳ манфаатларидан устун қўйишини назарда тутати.

Айрим илмий концепциялар эскиришига қараб ўзига хос «тимсол» белгиларини касб этади. Эскирган концепциялардан воз кечиш кўпинча уларни яратувчиларнинг қаршилигини бартараф этиш билан боғлиқ. Олим баъзан фанда инқилобга йўл очувчи янги ғояларни афзал кўришга ўзида куч топа олмай, эскича ёндашувлар асири бўлиб қолиши мумкин.

Билим ва ҳақиқат амалда айний тушунчалардир. Билиш – нарсаларнинг ҳақиқий ҳолатига мос келувчи ишончли ахборотга эга бўлиш демак. Ҳақиқий билимга эришиш мумкинми? Қандай билимни ҳақиқий деб ҳисоблаш мумкин? Билим ҳақиқийлигининг объектив ва мутлақ мезонлари мавжудми? Бу саволларга жавоблар фан ва фалсафанинг ривожланишига доимо йўлдош бўлган. Масалан, Аристотель ҳақиқатни борлиқ билан тенглаштирган. Унинг фикрича, ўзгармас нарсаларгина ҳақиқийдир, ҳақиқат борлиқнинг олий шаклидир.

Ёлғон


Ёлғон ҳақиқатнинг қарама-қаршиси.
Ёлғон одатда нотўғрилиги аён бўлган тасаввурларни била туриб ҳақиқат даражасига кўтариш сифатида тушунилади.

Верификация тамойили

Бу тамойилга биноан дунё ҳақидаги ҳар қандай фикрнинг ҳақиқийлиги пировард натижада уни сезги аъзолари орқали олинган маълумотларга таққослаш йўли билан аниқланиши лозим.

Янглишиш

Ҳақиқат ёйилиши ва теранлашувининг барча босқичларида унинг доимий ва зарурий ҳамроҳи янглишишдир. Ҳақиқат нима ва уни янглишишлардан (Бэкон таъбири билан айтганда, «тафаккур бутлари»дан) қандай қилиб халос этиш мумкин, деган саволлар одамларни (фақат фан соҳасидагина эмас) доим қизиқтириб келган. Ҳақиқат ва янглишиш категориялари билиш назариясидаги ягона билиш жараёнининг икки қарама-қарши, лекин бир-бири билан узвий боғлиқ бўлган икки томонини ифодаловчи асосий категориялардир.



ХУЛОСА

14

1. Ҳақиқат билишнинг мезонидир. Инсон амалий фаолияти ҳақиқатни аниқлашга йўналтирилган. Бироқ ҳақиқат ёлгон билан ёнма-ён туради. Ёлгон инсон ҳаётининг таркибий қисми сифатида амал қилади.
2. Амалиёт ва билишнинг ривожланиши у ёки бу янглишишлар эртами, кечми бартараф этилиши: ё саҳнадан тушиши (масалан, «абадий двигателъ» ҳақидаги таълимот каби), ё ҳақиқий билимга айланиши (алхимиянинг кимёга айланиши)ни кўрсатади. Янглишишларни юзага келтирган ижтимоий шароитларни ўзгартириш ва такомиллаштириш, ижтимоий-тарихий амалиётнинг етуқлиги, билимнинг ривожланиши ва теранлашуви янглишишларни бартараф этишнинг муҳим омилларидир. Бу эса борлиққа нисбатан апологетик (ҳимояловчи-оқловчи) ёндашувни эмас, балки конструктив-танқидий ёндашувни, «синовлар ва хатолар» методини амалга оширишни (Поппер) тақозо этади



ГЛОССАРИЙ

Ҳақиқат – билиш назариясининг бош категорияси. У борлиқнинг билишдаги идеал ифодаси, чунки ҳақиқат онгдан, билаётган субъектдан ташқарида ва ундан қатъий назар мавжуддир. Ҳақиқат – билимларнинг объектив борлиққа мувофиқ бўлган мазмуни. У билиш жараёни, билиш инъикосининг натижасидир. Ҳақиқат илмий назарияда мужассамлашган англаб етилган тасдиқловчи мулоҳазалар кўринишида ўз ифодасини топади. Ҳар қандай илмий назария ривожлантирилиши, баъзан бошқа, янада ҳақиқийроқ назария билан алмаштирилиши лозим. Шу маънода ҳақиқат – билиш ривожланишининг якуни ва омилидир.

Фалсафа тарихида ҳақиқат (билимларнинг ҳақиқийлиги) муаммоси қадимги даврлардаёқ таърифланган. “Авесто”да ҳақиқат олий шарофатдир, дейилади. Дарҳақиқат, инсоният доимо ҳақиқатга интилган. Зеро, ҳақиқат адолатга, шарофатга элтадиган буюк қудрат. Аристотель фикрича, ҳақиқат – мулоҳазалар ва амалдаги ҳолат ўртасидаги мувофиқликдир.

Ҳақиқатни объектив-идеалистик тушунишнинг ўзига хос хусусияти, унга дунёнинг онгда акс этиш жараёнига боғламасдан қараш ва уни инсоннинг объект ҳақидаги билими хоссаси сифатида эмас, балки эмпирик борлиққа қўшимча тарзда объективлашган қандайдир вақтдан ташқаридаги ғоянинг хоссалари сифатида талқин қилишда намоён бўлади.

Ҳақиқатни субъектив идеалистик тушуниш эса инсон билимининг хоссалари ва таркиби билан боғланади, бироқ мазкур билим унда ташқи, мустақил дунёнинг акс этишига боғланмайди, чунки бундай дунёнинг мавжудлиги инкор этилади. Ҳақиқат «тафаккурнинг тежамкорлиги» сифатида (Мах), фойдали натижаларга эришиш имконини берувчи жараён, тафаккуримиз образидаги қулайлик сифатида (Жеймс), инсон тажрибасининг мафкуравий таърифни ташкил этувчи шакли сифатида (Богданов) талқин қилинади. Идеализм фалсафаси ҳал қила олмаган ҳақиқатни тушуниб етишдаги қийинчиликлар шунга олиб келдики, файласуфлар инсонга ҳақиқатни ваҳий

воситасида очувчи таълимотни илгари сурдилар. Бу йўналиш интуитивизм деган ном олди. Унга Шопенгауэр асос солди. У ақл ва илмий билишнинг устуворлигини рад этди, фанни интуициядан кейинги ўринга қўйди. Илмий изланиш интуицияга асосланади, демак, унга боғлиқ бўлади ва бўйсунди. Шопенгауэрнинг қарашларини Бергсон ривожлантирди.

Объектив ҳақиқат – билимларимизнинг инсон инсониятга боғлиқ бўлмаган мазмуни. Бизнинг билимларимизда доим ё муайян одамга, ё муайян ижтимоий гуруҳга боғлиқ бўлган унсур мавжуд бўлади. Бинобарин, ўз билимларимизда субъектив унсурларга боғлиқ бўлмаган ва шу сабабли объектив ҳисобланадиган мазмунни қайд этишимиз лозим. Объектив ҳақиқат ривожланиб, икки шакл: нисбий ва мутлақ ҳақиқат шаклларида амал қилади.

Мутлақ ҳақиқат – предметни келажакда тўлдирилиши ёки унга аниқлик киритилиши мумкин бўлмаган тарзда тўла, мукамал билишдир. Олам вақт ва маконда чексизлиги туфайли бундай билимга амалда эришиш мумкин эмас. Ҳақиқат тушунчасини мутлақ ҳақиқат тушунчаси билан тенглаштириб, биз унга эришиб бўлмаслиги, демак, умуман билиш мумкин эмаслиги ҳақида гапирамиз. Бироқ фаннинг ҳақиқий тарихи бунинг тескарисидан далолат беради: фан ривожланади, чунки у нисбий ва мутлақ билимнинг бирлиги сифатида тушуниладиган ҳақиқатни билишга қодир. Бошқача айтганда, объектив ҳақиқат тўла ва мукамал кўринишдаги мутлақ ҳақиқатдир. Айрим ҳолларда, агар ҳақиқат вақт ўтиши билан ўзгармаса, яъни вақт шарт-шароитларига боғлиқ бўлмаса, у боқий ҳақиқат деб аталади.

Нисбий ҳақиқат – борликни, асосан, тўғри акс эттирса-да, образ объектга унча мос эмаслиги билан ажралиб турадиган билим. Нисбий ҳақиқат тўғри, бироқ нотўлиқ, тахминий, вақт ва жойнинг муайян тарихий шарт-шароитлари билан чекланган ҳақиқатдир.

Ирода инсон руҳиятининг ҳар хил шакллари орасида – субъектнинг ўз фаолиятини ўзи тартибга солиши муҳим аҳамиятга эга. Кант ва Фихте учун ирода ахлоқий тамойилларни рўёбга чиқариш манбаи, инсон амалий

фаолиятининг негизи ҳисобланади. Шопенгауэр ва Ницше учун ирода – борлиқнинг иррационал импульси. Бу ерда ирода руҳият доирасидан бутунлай чиқарилади.

Ишонч инсоннинг қадриятлари ва мўлжаллари дунёсида бирон-бир нарса ёки ҳодисани ҳақиқий деб қабул қилишида муҳим аҳамиятга эга. Ишончга шубҳа замин ҳозирлайди, у бир қанча руҳий ҳолатлар натижасида ишончга айланади. Илоҳиётчилардан фарқли ўлароқ, файласуфлар шубҳа ва ишончнинг ўзаро нисбатига кўпроқ эътибор берадилар. Диний эътиқод одатда ваҳийнинг бевосита маҳсули сифатида исботлашга муҳтож эмас, деб қаралади. Швейцариялик тараққийпарвар илоҳиётчи Карл Барт эътиқоднинг исботи унинг ўзида, деб ҳисоблаган. Файласуф Карл Ясперс учун фалсафий эътиқод – фалсафий мушоҳада юритиш натижасидир.

Идеал – пировард келажакнинг муайян образи эмас, балки қайта кўрилиши мумкин бўлган ҳар хил назарий ва бошқа тасаввурларнинг келажакка қаратилган мажмуи. Идеал доим ҳам пировард мақсаднинг устунлигига боғланмайди. Муайян пировард мақсаднинг устунлиги, айниқса, агар у олис келажакда бўлса, утопияга олиб келади.

Ёлғон ҳақиқатнинг қарама-қаршиси. Ёлғон одатда нотўғрилиги аён бўлган тасаввурларни била туриб ҳақиқат даражасига кўтариш сифатида тушунилади.

Янглишиш – ўз предмети билан муштарак бўлмаган, унга мос келмайдиган билим. Ҳақиқат ёйилиши ва теранлашувининг барча босқичларида унинг доимий ва зарурий ҳамроҳи янглишишдир. Ҳақиқат нима ва уни янглишишлардан (Бэкон таъбири билан айтганда, «тафаккур бутлари»дан) қандай қилиб халос этиш мумкин, деган саволлар одамларни (фақат фан соҳасидагина эмас) доим қизиқтириб келган. Ҳақиқат ва янглишиш категориялари билиш назариясидаги ягона билиш жараёнининг икки қарама-қарши, лекин бир-бири билан узвий боғлиқ бўлган икки томонини ифодаловчи асосий категориялардир.

ХУЛОСА

Фалсафа – бу ўзига хос фикрлаш услубидир. Шу туфайли ҳам фалсафа дарслари, биринчи навбатда, айнан фалсафий фикрлаш услубини шакллантириши лозим. Афсуски, кўпинча фалсафа яхши баҳо олиш учун талаба ўзлаштириши лозим бўлган атамалар ва концепцияларнинг муайян тўпламига айланиб қолади. Бу ҳолда фалсафа дарслари бошқа фанлардан бериладиган дарслардан деярли фарқ қилмайди. Бироқ айтиш ҳолда фалсафа ўзининг аزالий функцияси – билимни танқидий идрок этишни йўқотади. Фалсафа ўзининг барча функцияларини бажариши учун талабаларда фалсафий фикрлаш услубини шакллантириш талаб этилади. Ушбу мақсадга эришиш, бизнинг назаримизда, дарс беришнинг инновацион методларини ўзлаштиришни тақозо қилади.

Ҳар қандай фалсафий категория, наинки терминологик, балки тарихий юк билан тавсифланади, у турли, асосан, энг обрўли фалсафий тизимлар контекстида у ёки бу тушунчага юкланган мазмунларнинг барчасини қамраб олади. Шу туфайли ҳам, гўёки фан ҳисобланадиган фалсафа, фанга қарши туради ва мутлақо илмий бўлмаган фикрлаш услубларини ҳам ўз ичига олиши ва уларни ўзининг таркибий қисмига айлантириши мумкин. Фалсафанинг яна бир функцияси илмий ва ноилмий билим ўртасида боғловчи бўлган бўлишдан иборат. Файласуф ҳар қандай билимга, наинки илмий, балки диний, мистик, эзотерик билимга ҳам ҳурмат кўзи билан қараши лозим. Зотан, ҳар қандай билимнинг мақсади ҳақиқатнинг тагига етишдан иборат ва бунга биринчи бўлиб фан эришишининг бирон-бир кафолати мавжуд эмас. Фалсафанинг асосий вазифаси дунёни ўрганишгина эмас, балки уни англаб етиш, яъни унда унинг мазмун ва моҳиятини белгиловчи асосларни топишдан иборат. Фалсафа – ҳақиқатнинг тагига етиш йўлида изланиш демак, бинобарин, талабалар уни ўқитувчи билан бирга излашлари, муҳокама қилишлари, бир-бирлари билан баҳс-мунозарага киришишлари лозим.

Юқорида баён этилганлардан келиб чиқиб, баъзи бир хулосаларни таърифлаш мумкин.

Биринчидан, фалсафа дарсларини ўтказар экан, ўқитувчи ўзини охириги инстанциядаги ҳақиқатни билувчи қилиб кўрсатиши мумкин эмас. Фалсафа – ҳақиқатнинг тагига етиш йўлида изланиш демак, бинобарин, талабалар уни ўқитувчи билан бирга излашлари, муҳокама қилишлари, бир-бирлари билан баҳс-мунозарага киришишлари лозим.

Иккинчидан, фалсафада авторитетлар бўлмаслиги керак. Ўқитувчи ўтган замон ва ҳозирги даврнинг фалсафий, илмий ва ноилмий мактаблари мажмуи ва уларнинг у ёки бу масалага доир нуқтаи назарлари билан талабаларни мумкин қадар кенг таништириши лозим. Талаба ўзига маъқул келган у ёки бу нуқтаи назарларни мустақил танлашга ҳақли ва уларни далиллар келтириб ҳимоя қила олиши керак.

Учинчидан, талабаларда файласуфлик туйғусини пайдо қилиш, яъни улар ўзларини файласуф деб ҳис қилишлари, муайян масалалар хусусида ўз нуқтаи назарларига эга бўлишларига эришиш зарур. Лўнда қилиб айтганда, ўқитувчи талабаларда фалсафани ўрганишга нисбатан ижодий ёндашувни рағбатлантириши лозим.

Тўртинчидан, фалсафа дарсларини танқидий шаклда ўтказиш ўринли бўлади. Бу фалсафий мактаблар ва мутафаккирларнинг ҳар қайси қарашлари ва нуқтаи назарлари уларнинг афзалликлари ва камчиликлари нуқтаи назаридан баҳоланиши лозимлигини англатади. Талабалар танқидий мулоҳаза юритиш қобилиятига эга бўлишлари керак.

Бешинчидан, фалсафа дарслари талабаларга тадқиқотчилик интизомини ва муайян масала хусусида ўз фикрини ўзгартира олишга ўргатади. Фалсафа энг яхши тафаккур мактаби ҳисобланади. Бу мактабни муваффақият билан ўтаган одам теран фикрлаш талаб этиладиган бошқа ҳар қандай соҳада юксак натижаларга эришиши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Рахбарий адабиётлар:

1. Каримов И.А. Асарлар тўплами. 1-23 жилдлар. -Т.:“Ўзбекистон”, 1996-2015.
2. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.:“Маънавият”, 2008.
3. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. – Т.: “Ўзбекистон”, 2010.
4. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида.-Т.: “Ўзбекистон”, 2011.
5. Каримов И.А. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. –Т.:”Ўзбекистон”, 2015
6. Каримов И.А. Асосий вазифамиз — жамиятимизни ислоҳ этиш ва демократлаштириш, мамлакатимизни модернизация қилиш жараёнларини янги босқичга кўтаришдан иборат. - Т.: “Ўзбекистон”, 2016.
7. Каримов И.А. Озодлик ҳавосидан тўйиб нафас олган халқ ўз йўлидан ҳеч қачон қайтмайди. –Т.:”Ўзбекистон”, 2016.
8. Каримов И.А. Ҳаёт синовларида тобланган Қашқадарё эли ҳар қандай юксак маррани эгаллашга қодир. –Т.:”Ўзбекистон”, 2016.
9. Мирзиёев Ш.М. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги сўзлаган нутқи. Халқ сўзи. 2016 йил 9 сентябрь. 179 – сон.
10. Ш.Мирзиёев. “Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлиги гарови” мавзусидаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. Халқ сўзи. 2016 йил 8 декабрь. 243-сон.

11. Ш.Мирзиёев Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. Тошкент: Ўзбекистон. – 2017.

2. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси –Т.:“Ўзбекистон”, 2014.

2. “Таълим тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. 1997 йил 29 август. // Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. –Т.: “Ўзбекистон”, 1997. –Б. 20-29.

3. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. // Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. –Т.: “Ўзбекистон”, 1997. –Б. 30-52.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Таълим-тарбия ва кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш, баркамол авлодни вояга етказиш тўғрисида»ги Фармони. 1997 йил 6 октябрь. / «Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори». –Т.:«Шарқ», 1998.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги Қарори. Халқ сўзи. 2006 йил 26 август.

6. «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» фани бўйича ўқув дастурини тайёрлаш ва таълим тизимига жорий этиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 18 январдаги Фармойиши.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги “Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилиш чора-тадбирлари тўғрисидаги” ПҚ-1533-сон Қарори.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-4732-сон Фармони.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16-февралдаги “Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларни малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 25-сонли Қарори.

10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сонли Қарори.

11. Ш.Мирзиёев “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони.

3. Асосий адабиётлар:

1. Андрейчук. Материалы к курсу «Методика преподавания философии» Ав.-сост. Н.В. Андрейчук . -Калининград: Изд-во КГУ,2003. - 69 с.. 2003/
2. Азарова Н. М. Язык философии. Типологический очерк языка русских философских текстов XX в.: монография. - М.: Логис/ Гнозис, 2010. - 228 с.
3. Водяникова И.Ф., Фатхи Т.Б. «Методика преподавания философии» для магистров-философов: Учебное пособие. – Ростов-на-Дону, 2008. – 102 с.
4. Гусев Д. А. Философия. Популярное учебное пособие. - М.: МПСИ: НПО «Модек», 2004. - 304 с.
5. Деревянко И. А. Модульно - компетент-ностный подход в подготовке учителя информатики в педагогическом вузе // Вестник Московского государственного областного университета. Серия «Педагогика». - № 4. - М.: Изд-во МГОУ, 2008. - С. 111-115.
6. Мамардашвили, М. К. (1992) Как я понимаю философию. 2-е изд. М. : Прогресс-Культура. 414 с.
7. Ломако О.М. Методика преподавания философии в вузах (Пособие к курсу) . 2015. 24 с.

8. Методика преподавания философии / Бобкова Н.П., Белокобыльский А.В. - Донецьк : ІГЦШ «Наука і освіта» МОН України і НАН України, 2011. - 96 с.
9. Разин В.И. Общая методика преподавания философии в вузах: Метод. Пособие для преподавателей. М.: Высш. Шк., 1977.
10. Розов Н.С. Философия гуманитарного образования (Ценностные основания и концепция базового гуманитарного образования в высшей школе), М., 1993.
11. Романов И.Н., Костяев А.И. Философия. Исследования, тексты, схемы, таблицы, упражнения, тесты. – М., 2003.
12. Кузнецова Н. Ф. Философия, философская культура, гуманитаризация высшего образования // Сибирский педагогический журнал. -2007. - №1. - С. 81-89.
13. Эмирова Е.Э. Игровая форма обучения философии в образовательной программе в вузах. // Актуальные вопросы в области гуманитарных и социально-экономических наук. Выпуск 2. Ташкент 1999.
14. И.Альджанова “Ўқув портфолиоси – бўлажак ўқитувчиларда касбий компитентликни шакллантириш воситаси сифатида” Педагогик таълим журнали, 2012 йил 4-сон, 46-бет.
15. С.Мусаева “Портфолионинг мақсад ва моҳияти” Педагогик таълим журнали, 2013 йил 1-сон, 20-бет.
16. У.Бегимкулов, Т.Шоймардонов и др. Информационно-методическое обеспечение непрерывности образовательного процесса на основе электронного сопровождения. Материалы международной конференции. Санкт-Петербург (Россия), 2012 год, 5 стр.
17. Задания для самостоятельной работы по философии студентам педагогических университетов [Текст] : научное издание / Омск. гос. пед. ун-т ; сост. М. П. Шубина. - Омск : Изд-во ОмГПУ, 1998. - 27 с. -
18. О. Файзуллаев, М. Абдуллаева, Н. Шермухаммедова, Б. Каримов.

4. Интернет сайтлар

1. [www. Lex.uz](http://www.Lex.uz)
2. www. Ziyonet.uz
3. www. Edu.uz
4. www. Ma'naviyat.uz
5. www.faylasuf.uz
6. www. Bilim.uz
7. www. Fikr.uz
8. www. Uza.uz
9. www. Senat.uz